2003 YIL 13 NOYABR PAYSHANBA

# QISHLOQ HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№139 (6.664). Sotuvda erkin narhda

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ





***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 12 ноябр куни Оқсаройда Халқаро валюта жамғармаси (ХВЖ) фармойиш берувчи директорининг ўринбосари Шигемитсу Сугисакини қабул қилди.***

- Ўзбекистон ХВЖ билан ҳамкорликни кенгайтиришга катта эътибор беради ва ушбу халқаро молия муассасасининг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётганини юксак қадрлайди, - деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистон ХВЖ билан кенг қамровли ҳамкорлик қилиб келмоқда. Айниқса, кейинги бир ярим йил давомида мазкур ҳамкорлик янада фаоллашди. Бу вақт давомида «Миллий валютанинг жорий халқаро операциялар бўйича конвертациясини таъминлаш бўйича саъй-ҳаракатлар режаси» ҳаётга жорий қилинди. Натижада шу йилнинг 15 октябридан сўмнинг ХВЖ Битим моддаларининг VIII моддаси андозаларига мувофиқ конвертацияси таъминланди.

2002 йил Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан ХВЖ ҳамкорлигида мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни давом эттириш, жумладан, валюта бозорини эркинлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирларни кўзда тутувчи Иқтисодий ва молиявий сиёсат масалалари бўйича меморандум ҳаётга жорий этилди.

Таъкидлаш жоизки, ҳукуматимизнинг валюта бозорини тўла эркинлаштириш тўғрисидаги қарори ХВЖ раҳбарияти томонидан юқори баҳоланиб, ушбу ташкилот Ўзбекистонга барча зарур ёрдамни кўрсатишга тайёр эканлигини билдирган. Ўзбекистон билан ХВЖ ўртасида ўтказилган амалий мулоқотлар натижасида саъй-ҳаракатлар режасида белгиланган барча вазифалар қайд этилган муддатдан аввал бажарилди.

Айни пайтда Ўзбекистоннинг валюта бошқаруви тизими ва бу борадаги қонунлари ХВЖ Битим моддаларининг VIII моддаси талабларига тўла мос келади.

Оқсаройда ўтган суҳбатда Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли давом эттиришда халқаро молиявий ташкилотлар, жумладан, ХВЖ билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

**СУРАТЛАРДА: қабул пайти. Д.ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар.**

# Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича вазирлар анжумани қатнашчиларига

Ҳурматли меҳмонлар!

Аввало, сизларни, Тошкент шаҳрида ўтаётган Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича вазирлар анжумани қатнашчиларини қутлар эканман, ҳаммангизга иззат-икром ва эҳтиромимни изҳор қилмоқчиман.

Биз Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ғоясининг асосий ташаббускорларидан бири, устувор қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш мақсадида йиғилган ушбу нуфузли анжуманни ўтказишга бош-қош бўлаётган Осиё тараққиёт банкининг ролини юксак қадрлаймиз.

Минтақамиздаги мамлакатларнинг ривожланиш тажрибаси ва мантиғи минтақавий иқтисодий алоқаларнинг чуқурлашуви объектив қонуният эканлигини тасдиқламоқда ҳамда ижтимоий ўзгаришлар ва ҳамкорликни ривожлантириш учун мисли кўрилмаган имкониятлар очмоқда. Бугунги кунда биз глобаллашув жараёнининг тўла ва тенг ҳуқуқли қатнашчилари бўлиш, XXI асрда Марказий Осиё давлатларини халқаро муносабатлар ва жаҳон хўжалик алоқаларининг янги тизимига жалб этиш учун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ имкониятга эгамиз.

Марказий Осиё давлатлари тарихан мустаҳкам иқтисодий муносабатлар тизими билан ўзаро чамбарчас боғланган. Минтақамиз салоҳиятининг бойлиги нуқтаи назаридан, истиқболли халқаро лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда минерал-хомашё, сув-энергетика заҳиралари ҳамда коммуникациялардан фойдаланиш соҳасидаги лойиҳаларни ҳаётга жорий этиш борасидаги имкониятларининг кенглиги жиҳатидан ноёб мавқега эгадир.

Жўғрофий ҳолатига кўра улкан транзит салоҳиятига эга бўлган Марказий Осиё минтақаси жаҳон миқёсидаги коммуникация инфратузилмасидан муносиб жой олиши, Европа билан Осиё ўртасидаги асосий қитъалараро транспорт «кўприклари»дан бири бўлиб қолиши учун барча имкониятлар мавжуд.

Минтақани «анклав» ҳолатидан чиқариш муаммоларини ҳал этиш билан боғлиқ транспорт коммуникациялари соҳаси Марказий Осиё минтақасидаги мамлакатлар ҳамкорлигининг устувор йўналиши ҳисобланади. Биз «боши берк» транспорт йўналишларини эмас, балки умумжаҳон коммуникацияларига олиб чиқадиган магистрал транспорт йўлларини ривожлантиришни принципиал муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз. «Буюк Ипак йўли» йўналишлари орқали Марказий Осиё ва Кавказни Европа ҳамда Осиё-Тинч океани минтақаси мамлакатлари билан боғлайдиган йўлларни барпо этиш минтақадаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожлантириш масалаларини комплекс ҳал этишни таъминлайдиган тарзда интеграциялашувига кўмаклашади.

Энергетика инфратузилмасини ривожлантириш соҳасида ўзаро ҳамкорликнинг муҳим мақсади бўлган ёқилғи-энергетика комплекслари самарадорлигини ошириш мамлакатларимизнинг ресурсларини ўзаро тўлдириш тамойилига асосланиши лозим.

Афғонистондаги вазият барқарорлашиб бораётгани ва халқаро ҳамкорлик дастурлари амалга оширилаётгани муносабати билан ҳамкорликнинг мазкур йўналишлари алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу мамлакат иқтисодиётини қайта тиклаш борасидаги кенг миқёсли режалар минтақани ривожлантириш ва интеграциялашнинг умумий ёндашувига ҳамоҳанг бўлиши лозим.

Шу муносабат билан, етакчи халқаро донорларни Осиё тараққиёт банкининг ташаббусини қўллаб-қувватлашга ва Марказий Осиёнинг минтақавий дастурларини амалга оширишга яна ҳам кенгроқ жалб этиш принципиал муҳим масаладир.

Ўзбекистон ҳамкорликнинг ўзаро келишиб олинган устувор йўналишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ва минтақа мамлакатларининг миллий манфаатларига мос келадиган транспорт, савдо ва энергетика соҳаларидаги қўшма лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишга тайёрдир.

Вазирларнинг Тошкент анжумани давомида бозор ислоҳотларини чуқурлаштиришга, экспорт салоҳиятини кенгайтириш ҳамда мамлакатларимиз аҳолисининг турмуш даражасини оширишга қаратилган минтақавий устувор дастурларни тузиш ва амалга оширишга оид энг мақбул ечимлар ишлаб чиқилишига ишонаман.

Барча қатнашчиларга самарали фаолият ва анжуман ишининг муваффақиятли якунланишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**




● **11-12 ноябр кунлари пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Марказий Осиёда минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича вазирлар анжумани бўлиб ўтди.**

● **Тошкентдаги сиёсий тадқиқотлар марказида «Глобаллашув ва Марказий Осиё» мавзуида семинар бўлиб ўтди.**

● **Франциянинг Ницца шаҳрида фахрий самбочилар ўртасида жаҳон чемпионати ўтказилди. Унда мамлакатимиз шарафини қоракўллик 58 ёшли Нормуҳаммад Юсупов ҳимоя қилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида «Ўзбекистон Республикасининг компьютер жиноятлари бўйича қонунчилигини такомиллаштириш масалалари» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.**

● **Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Сиёсий тадқиқотлар марказининг (СТМ) очилиш маросими бўлди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг «Фуқаролар нинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ айни кунларда жойларда сайлов бошланди.**

● **«Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти» тўртинчи савдо кўргазмаси очилди. Бу галги кўргазма Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик бўйича Осиё тараққиёт банки (ОТБ) шафеълигидаги иккинчи вазирлар анжумани доирасида ўтказилмоқда.**

● **Қорақалпоғистонда «Хўжайлитекстил» корхонаси негизида Туркиянинг «Гюзел диш тижарет» фирмаси билан ҳамкорликда «Хожтекс» қўшма корхонаси ташкил этилди.**

● **Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлигида «Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ҳамда унинг аъзолари ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ҳаётга жорий этишни қўллаб-қувватлаш» лойиҳаси юзасидан амалга оширилаётган ишлар доирасида навбатдаги семинар бўлиб ўтди.**

***Инсоният тарихида кишилик жамияти пайдо бўлибдики, унинг бағридаги ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи у ёки бу мезонлар ҳам тараққиёт натижаси ўлароқ юзага келиб, асрлар оша такомиллашиб боради. Қадим даврлардаёқ кишилар орасидаги муносабат қоидалари, даставвал, юксак ахлоқий меъёрларни ўзида мукаммал акс эттирган муқаддас диний манзумаларда дарж этилган эди. Давлатчиликнинг чуқур илдиз отиши ва серқирра ижтимоий муносабатлар қамровининг янада кенгайиши баробарида энг олий қадриятлар ҳисобланган урф-одатлар ва ахлоқ меъёрлари қонунлар тилига кўча бошлади. Шу тариқа ибтидоси ва ривожи давлатларнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти билан чамбарчас боғланган қонунчилик тарихи ҳам узоқ тадрижий йўлни босиб ўтди.***

# ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОНИ

Милодий XVIII асрнинг охирларига келиб эса, ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳаларини тартибга солувчи қонунлар шу даражада кўпайиб кетдики, уларнинг ўзини тартибга солувчи, уларнинг ўзаро мувофиқлашувини таъминловчи қонунлар тўплами – кодексларнинг пайдо бўлиши ҳам тараққиёт талабларини қондира олмади. Шу аснода, барча қонунларнинг ягона манбаи, барча қонун ва қоидаларнинг ўзаро якдил ишлашини таъмин этувчи, барча қонунлар ва қонунчиликнинг умумий тамойилларини ўзида акс эттирган, қонунлар тўғрисидаги қонун – Конституция юзага келди.

Ҳозирги кунда дунё мамлакатлари конституцияларининг юзага келиши бевосита давлатчилик тараққиётининг янги босқичи – мустақиллик ҳодисаси билан ҳам узвий боғлиқдир. У XVIII аср охирларидаёқ, давлат суверенитети, мустақиллик, озодлик каби сўзлар билан ҳамоҳанг жаранглай бошлади. Ҳатто, дунёдаги биринчи қомус – АҚШ конституцияси (1787 йил) ҳам мустақил АҚШ давлатининг ташкил топиши (1776 йил) билан дунёга келган эди. XX асрнинг 20-йилларида мустақил Туркия, Эрон, аср ўрталарига келиб, Ҳиндистон, Япония, Курия, 60-йилларда Жазоир, Марокаш, Ливия, Сенегал ва бошқа собиқ мустамлакаларнинг озод этилиши натижаси ўлароқ, мазкур давлатларнинг конституциялари ишлаб чиқилди ва амалга татбиқ этилди. Кўриниб турибдики, конституция давлат мустақиллиги билан тарихан боғланган, ҳурриятни баралла эълон этувчи, уни ҳуқуқан мустаҳкамловчи бебаҳо сиёсий ҳужжатдир.

Барчага маълумки, амалдаги Ўзбекистон Конституцияси озод республикамиз мустақиллигининг иккинчи йилида қабул қилинган. Бироқ, уни яратиш йўлидаги биринчи қадамлар 1990 йил баҳоридаёқ қўйилган эди. 1991 йил 31 августда Ўзбекистон давлат мустақиллигининг эълон қилиниши билан янги Конституция ҳам зудлик билан қабул қилиниши мумкин эди. Ҳар ҳолда, бунинг учун асослар ҳам оз эмасди. Лекин Юртбошимиз ташаббуси ва бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилаётган Асосий қонунимиз ўз моҳият эътибори билан нафақат Ўзбекистоннинг ҳозирги куни, балки халқимизнинг барча орзу-умидларини ўзида мужассам этган, узоқ ва шонли тарихга эга қадриятларимизни ўзида тўла акс эттирган ҳолда жамиятимиз тараққиётининг эртанги куни ва ёрқин келажаги талабларини ҳам қондирмоғи лозим эди. Ниҳоят, икки йиллик оғир меҳнатдан сўнг, 1992 йил 8 декабрда мустақил Ўзбекистоннинг биринчи конституцияси қабул қилинди. Бу ғоят қисқа вақт ичида қўлга киритилган катта ғалабадир.

Биз мустақил давлатимиз ва озод жамиятимизнинг ҳуқуқий пойдевори бўлмиш Конституциямизни саҳифалар эканмиз, унинг биринчи боби, биринчи саҳифаси, қолаверса, дастлабки сатрлари давлат суверенитетига бағишланганлигига гувоҳ бўламиз. Айнан Асосий қонунимизнинг биринчи моддасига кўра "Ўзбекистон – суверен демократик республика"дир. Бунинг тагида бир олам маъно бор, албатта. Инчунин, суверен бўлмасдан туриб халқаро муносабатларнинг тўлақонли иштирокчиси бўлиш мумкин эмас.




"Суверенитет" сўзи лотинча "superus" сўзидан олинган бўлиб, "олий", "юқори" деган маъноларни ифодалайди ва бир қатор сиёсий луғатларда "давлатнинг ички ва ташқи сиёсатда тўла мустақиллиги" сифатида талқин қилинади.

Давлатнинг ташқи суверенитети ҳақида сўз кетганда, аввало унинг халқаро алоқалар тизимида ва давлатлар билан ўзаро муносабатларидаги мустақиллиги тушунилади. Бу бир қатор халқаро ҳуқуқ ҳужжатлари билан мустаҳкамланган. Чунончи, АҚШ ва Нидерландия ўртасидаги низоли масалани ҳал этар экан, халқаро ҳакамлик суди **"суверенитет – давлатлар орасидаги муносабатларда мустақилликни англатади"** деган хулосани илгари сурди. Демак, суверенитет мустақилликнинг халқаро муносабатларда намоён бўлиш шаклидир. Айни пайтда у давлатларнинг ўзаро тенглиги ва тўла мустақиллигига асосланади. Қолаверса, БМТ Бош Ассамблеясининг 2625-сонли Резолюциясида айтилганидек, "ҳар бир давлат бошқа давлатларнинг шахсини ҳурмат қилишга мажбурдирлар". Чунончи, БМТ Низомининг 2-модда 1-параграфига кўра "ташкилот барча аъзоларининг суверен тенглиги тамойилига асосланган".

Бу тамойил кўпгина давлатларнинг конституцияларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Асосий қонунимизда бу масалага алоҳида эътибор қаратилади. **Конституциямизнинг 17-моддасига асосан унинг ташқи сиёсати "давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг дахлсизлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик қоидаларига ва халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган бошқа қоидалари ва нормаларига асосланади"**.

Кўриниб турибдики, Конституциямиз нафақат давлатимиз суверенитетини эълон қилмоқда, балки шу билан бирга халқаро ҳамжамият олдида бошқа давлатларнинг суверенитетини тан олиш ва ҳурмат қилиш мажбуриятларини олмоқда. Бу эса Конституциямиз суверенитетимизнинг тўлақонли ва мукаммал тимсоли ва айни пайтда Ватанимизнинг ҳамжамият олдидаги юзи эканлигининг ҳам ишончли далилидир.

Конституция ўз мазмунига кўра эзгу мақсад ва чексиз орзулар ифода этилган китоб эмас, балки биринчи навбатда том маънодаги бирламчи сиёсий ҳужжатдир. У давлат тузумини жорий этади, давлат бошқарувини ташкиллаштиради ва айни пайтда, давлат вакиллик органларининг ваколатларини белгиловчи қомусдир.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланиши Асосий қонунимизнинг 11-моддаси билан мустаҳкамланган. Ҳокимиятнинг уч тармоққа бўлиниши ва тармоқларнинг ўзаро мустақиллиги замонавий демократиянинг ҳам муҳим шартларидан биридир. Ҳокимият тармоқлари орасида эса қонун чиқарувчи ҳокимият давлат ҳокимиятининг олий шакли ҳисобланади. Чунки у бошқа ҳокимият тармоқларининг ҳам ваколатларини қонун билан белгилаб беради. Бир сўз билан айтганда, бошқа ҳокимиятларнинг ваколатини белгиловчи ваколат соҳибидир. Шунинг учун, қонун чиқарувчи ҳокимиятга бошқа тармоқларга қараганда, айниқса, ижро этувчи ҳокимиятга нисбатан устувор мавқе берилади. Айниқса, бу ҳолат қонунчилик соҳасида аниқ эътироф этилади. Демократик анъанага айланган мазкур қоида Конституциямизнинг 93-модда 14-бандида ўз аксини топган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан эътирозлар билан парламент муҳокамасига қайтарилган қонунлар аввалги таҳрирда Олий Мажлис томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунинг учун депутатлар умумий сонининг камида учдан икки қисмидан иборат кўпчилик овози талаб қилинади.

**(Давоми 2-бетда)**

# БОЗОР ГУЛЗОР...МИ?

***Бозор. Қачон борманг, эрта-ю кеч гавжум. Ҳамма ишини ташлаб бозорда йиғилган, дейсиз. Қизиғи, ҳар ким, ўз иши билан овора. Кимдир бақирганча мижоз чақиряпти, яна кимдир излаганини тополмай хуноб... Кичик оламдаги турфа манзара. Шу боис ҳам кексалар "бозорга бор, чеҳранг ёзилади", десалар керак-да. Кўп қатори мен ҳам бозорга тез-тез бораман.***

**МУАММО**

Очиғини айтиш керак, бугун юртимиздаги қай бир бозорга борманг, тўкинлик, ободончиликнинг гувоҳи бўласиз. Ҳамма нарса топилади. Бироқ, бозор расталарида сотилаётган ҳамма маҳсулотни ҳам сифатли, истеъмолга ярокли, дея оламизми? Ёхуд бу ердаги айрим тадбиркорлар фаолиятиничи? Бу саволга аниқ жавоб беришга қийналишимиз табиий. Чунки бозорларни тартибга солиш ва тадбиркорларнинг белгиланган меъёрда фаолият кўрсатиши борасида қилинаётган саъй-ҳаракатларга қарамай, айрим қонунбузарлар томонидан қинғир йўллар орқали сифатсиз маҳсулотларнинг бозорларга кириб келаётгани бор гап.

**(Давоми 2-бетда)**

Сиз «ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ» газетасига 2004 йил учун обуна бўлдингизми?

Газетанинг нашр кўрсаткичи - 144

# ТАДБИРКОРГА БЕРСАНГ ҚАРЗ - ҲАМ ҚАЙТАДИ, ҲАМ АЙТАДИ

***Бундан ўн-ўн икки йил аввал банк ҳақидаги тушунчаларимиз жуда саёз эди. Оддий фуқаролар банк фаолиятининг биргина вазифасини билишарди. Чунки фуқаролар асосан ортиқча пулларини омонатга қўйиш учунгина банкка мурожаат қилишарди.***

Бугунги бозор иқтисодиёти шароитида эса банк соҳаси жуда кенг тармоққа айланди. Ҳозирги кунда банклар мамлакат халқ хўжалигини ислоҳ

**БАНК ТИЗИМИ**

қилиш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида катта ишларни амалга ошираётир.

Акциядорлик тижорат "Пахта-Банк"-нинг Сурхондарё вилоят бошқармаси ҳам амалга оширилаётган қатъий пул-кредит сиёсати орқали инфляция даражасини пасайтиришга, валюта бозорини эркинлаштиришга, иқтисодий барқарорликни таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

**(Давоми 3-бетда)**

**БУГУННИНГ ГАПИ**

***Тоғ-кон, кимё саноати, цемент ишлаб чиқариш кенг ривожланган, автотранспорт, темир йўл хизмати ва бошқа кўплаб ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўлган Навоий вилоятида экология масалаларига алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади.***

Вилоят экологик жиҳатдан мураккаб ҳудудда жойлашган. Тобора кичрайиб бораётган Орол денгизи таъсиридаги Қизилқум саҳросидан иборат бўлган бу

# ОНА ТАБИАТНИНГ ОҒРИҒИ

минтақада табиатни муҳофаза қилиш масаласи ғоят долзарб бўлиб турибди.

Хўш, бу борада қандай ишлар олиб борилаяпти ва нималарга эътибор қаратиляпти? Вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари **Равшан ДУШАМОВ** билан ана шулар ҳақида суҳбатлашдик.

**-Инсон ҳаёти табиат билан чамбарчас боғланган. Таъбир жоиз бўлса, табиат инсон учун ҳаёт бешиги. Зотан, атроф-муҳит муҳофазаси инсон саломатлигининг бирдан-бир гарови. Бу борада амалга оширилаётган ишларга тўхталсангиз.**

**(Давоми 3-бетда)**

# ЖАСОРАТЛИ УМР ЙЎЛИ

***Дунёнинг ҳар бир ишига ҳайрат кўзи билан боқамиз. Нега шундай? Негаки, дунёнинг ўзи ҳайрат оламидир.***

Буни саксон ёшли Сафо Ашуров тақдири мисолида ҳам кўра оламиз. Эндигина ўн етти ёшга тўлган Сафо қалбида душманга нисбатан интиқом ҳисси кучайди. У ҳар куни туман ҳарбий комиссариати эшигида бўлди. Ниҳоят, у кўнгиллилар қатори урушга отланди.

**ТАҚДИР**

Икки ой тайёргарлик машқларини ўтагач, Украина фронтига йўл олди. Жанглар борарди, жангки беомон. Ҳар бир қарич ер учун дарё-дарё инсон қони тўкиларди. Ёш жангчи Сафо Ашуров пиёдалар қисмида дастлабки кунлардаёқ мардлик кўрсата бошлади.

1943 йил. Феврал ойи... Ҳаво аёз. Ерда қор бор. Ўрмонлар захва балчиқ. Украинанинг ҳар бир шаҳар-у қишлоғи учун ҳаёт-мамот жанглари давом этарди. Дарё бўйидаги кичик бир қишлоқ учун шиддатли жангда Сафо Ашуров оғир яраланди. Ўнг-у сўлдаги портлашлар сон-саноқсиз ўлимга олиб келди.

Офтоб ғарбга оған пайт.

**(Давоми 4-бетда)**

**ҲИКМАТ**

*Ўзини билимдон дейдиган нодондан қоч.*

**Қобус**

**КЕЛГУСИ СОНДА:** "КЕЛИНЧАК" ҚЎШИҒИ | СОХТА ГУВОҲНОМАЛАР | НУСРАТ ОРДЕНДОР




## РАИСНИНГ ЭСИНИ КИРИТДИ

***Синдор раис санаторийдан тўлиб-тошиб қайтди. Аэропортда уни ширингина киракаш йигит хуш табассум билан қарши олди.***

-Обориб қўяйми, ака. Машинам яп-янги, сира қийналмайсиз. Юрасизми "такси" излаб. Бир зумда уйингизга етказаман.

Унинг таклифи раисга маъқул келди. Сутранг "Жигули" асфальт бўйлаб қушдек учиб борарди. Ҳайдовчининг оғзи гапдан тўхтамас эди. Кўп ўтмай Синдор ака раис бўлган хўжаликнинг лой кўчалари бошланди. Йўлнинг ёмонлигидан "додлаб" кетаётган машинасига ачинган киракашнинг уни учди. Энди у бир сўз демас, бошини сарак-сарак қиларди, холос.

Раиснинг уйига уч юз метрча қолганда машина лойга ботиб қолди. Тушиб ёрдам бераман деса, манман деган машҳур Синдор раиснинг "авторитети"га тўғри келмайди. Киракаш кўп қийналди. Машинанинг оёқлари тагига шу атрофдан нимаики топса, тошми, ёғочми ташлайверди. Машинани бир амаллаб чиқараётганда нимадир "қарс" этди. Киракаш машинадан тушиб, тагига қаради-ю, додлаб юборди.

Кийим-боши лойга беланган киракаш жаҳл билан қўлларини артаркан. Синдор раисга деди:

-Раҳбарларда ҳам инсоф қолмади, ака. Мана шу хўжаликнинг ҳам раиси бордир. Фақат машинасига миниб, ғўддайиб юргандан кўра, шу лой кўчаларга лоақал тош тўктирса бўларди-ку. Машинам расво бўлди-я. Энди бир ой такси ишлаб топган пулларимни машина ремонтига сарфлайдиган бўлдим. Ҳе, ўша раисни...

Синдор раис ўзидан ўтганини ўзи билди. Киракашнинг сўзларини маъқуллагандай бошини беҳол қимирлатиб қўйди. Манзилга етиб келгач, киракаш раис берган пулга қарамасдан чўнтагига солди ва эшикни қарсиллатиб ёпганча, машинасига газ босди.

Эшик олдида Синдор раисга биринчи бўлиб тўқсонга яқинлашиб қолган онаси пешвоз чиқди. Раис онасини бағрига босаркан, киракашнинг сўзлари қулоғи остида жаранглагандай бўлди. Кечга томон раиснинг хонадони қадрдон дўстлари билан тўлди. Синдор раис барча раҳбар дўстлари тўплангач, дардини ёрди:

-Оғайнижонлар, сизлардан битта илтимосим бор. Маблағ десангиз хоҳлаганча ўтказиб бераман. Жавобгарлиги менинг бўйнимда. Фақат хўжалигимнинг барча кўчаларини асфальт қилиб берасизлар. Шу ишни тезроқ қилмасам, уйқум келмайди.

## "СЎНГГИ ЎТИНЧ"

***Мурод қассоб эчкини кушхонага етаклаб келиб, эндигина бўғзига пичоқ тортмоқчи бўлганда, эчки беихтиёр тилга кирди:***

-Мурод амаки, сўнгги сўзимни айтишга имкон беринг!

-Айт, - деди у, - дардинг ичингда қолиб кетмасин.

-Тақсир, - дея гап бошлади эчки, - туғилибманки то ҳозирга қадар эчки номи билан яшадим. Қилган гуноҳларим беҳисоб. Бировларнинг томорқасига, бировнинг боғига ўғринча кирдим. Кимдир яхши ният билан ўстираётган ниҳолларини пайҳон қилдим. Мен эчки сифатида одамларга кўп зиён келтирдим, агар қўй бўлганимда бунчалик бўлмасди.

Начора, пешонамга эчки бўлиб яшаш ёзилган экан. Энди эчки бўлиб ўлаяпман. Сиздан ягона ўтинчим: эртага менинг гўштимни бозорда қўй гўшти деб эмас, эчки гўшти деб сотсангиз. Охиратим куйиб кетмасин!

## ОҚПИШАР ТАРВУЗ

***Тўртоғайнилик Эшбойга тарвуз экиш буюрилган бўлса-да, унга амал қилмади. Кузакда эса ҳисобчи унинг эшигига келди.***

-Эшбой ака, 50 тонна тарвуз топширишингиз керак экан. Раис икки кун ичида планни бажаринглар, деди. Юқоридан сўрашяпти экан. Бўлмаса, икковимизниям жавобгар қилармиш.

Эшбойнинг танасига титроқ кирди. Айниқса, "жавобгар қилармиш!" дегани суякларигача зирқиратиб юборди. Энди нима қилсин? Боши қотган Эшбой қайрисойлик оғайнисикига чопди. Титраб-қақшаб унга тушунтирди.

-Аҳвол чатоқ, оғайни. Тарвузингдан 50 тонна ёрдам қилмасанг, бўлмайди.

-Тарвузнинг пишганини териб топширдик. Хомлари қолган. Йигирма кундан сўнг келсанг, пулини тўлаб оласан!

-Хом бўлсаям оламан, акс ҳолда шўрим қуриб қолади. Фақат нархини бироз арзонлаштир.

Икки оғайни келишишди. Эшбой ҳамма ишловчиларини тарвуз узишга жўнатди. Даладаги бор тарвуз тележкаларга юкланди. Уни топшириш ҳисобчига юклатилди.

Тарвузларни тайёрлов идорасига топшираётганларида иш пачава бўлишига оз қолди. Битта тарвуз тўсатдан тушиб кетиб, ёрилди.

-Ия, ака, тарвузингиз хом-ку? Мен буни қабул қилолмайман, - деди идора омборчиси.

Ҳисобчи ўзини йўқотиб қўйишига сал қолди. Аммо хаёлига келган фикрдан руҳланиб, дарҳол ўзини ўнглаб олди.

-Хабарингиз йўқ экан-да. Биз бу йил янги оқпишар тарвуз экканмиз. Ранги оқ бўлсаям, жуда ширин. Ишонмасангиз еб кўринг.

Омборчи оппоқ тарвузни ейишни истамади. Ҳисобчи бўлса, ёрилган тарвузни бўлаклаб ея бошлади. Биттаси тугагач, иккинчисини ёрди ва ярмини тележкачига узатди. Иккалови "иштаҳа билан" бир зумда беш-олти тарвузни еб қўйишди. Тарвуз қанчалик тахир бўлмасин, уларнинг юзларида бирортаям ўзгариш сезилмади.

Хуллас, тарвуз топшириш режаси ортиғи билан бажарилди. Аммо тарвузни карсиллатиб еган ҳисобчи билан тракторчи бир ой касалхонада даволаниб чиқишди.

**Сайфулла ИКРОМОВ**

## ҚЎЛ ЕНГИЛМИ ЁКИ ОЁҚ?

***Матбуот ходимлари байрами арафасида таҳририятнинг ижодий жамоаси дастурхонига у-бу харид қилиш учун газетанинг ёш келишган мухбири, шоира Малика Замон қизи Сурайё деган ҳамкасби билан Олой бозорига боришибди.***

Малика Замон қизи бир пайт қараса, Сурайёси тушмагур сотувчиларга:

-Менинг қўлим енгил, менинг қўлим енгил, - деявериб, кўз очиб юмгунча арзон-гаровга бир дунё нарсаларни харид қилиб ташлабди.

Шунда Малика Замон қизининг ҳасадими, рашкими қўзиб:

-Менинг оёғим енгил, - деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолибди.

-Биз билан қола қолинг, яхши қиз, - деб бечора мевафуруш, сабзавотфуруш йигитлар унинг юкларини кўтариб, ишхонасигача эргашиб келишибди. Шундагина Малика Замон қизи тилига эрк бериб, ўйламай сўз айтганини билиб, юзлари лоладай қизарибди ва "ҳамроҳлари"дан узр сўрабди.

**Нурмамат АЛМУРОДОВ**

# БОЗОР ГУЛЗОР...МИ?

**(Боши 1-бетда)**

Шунинг баробарида товар моддий бойликларимизни ҳудудимиздан олиб чиқиб кетишга уринишлар бўлаётгани ҳам айни ҳақиқат.

-Жорий йилнинг 9 ойи давомида чегара ҳудудидан ноқонуний равишда олиб ўтилаётган қиймати 7195402 сўмлик жами 43630 литр ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, 1784353 сўмлик 36050 килограмм минерал ўғит, шунингдек 513,9 литр спирт, 891 дона ароқ ва 1444 қути сигареталар тўхтатиб қолинди, - дейди Жиззах вилояти 1-сонли "Гагарин" божхона пости бошлиғи, божхона хизмати капитани С.Яхшибоев. – Ички бозоримизни ҳимоя қилиш бўйича олиб борилган тадбирлар натижасида 569 ҳолатда турли қийматдаги сифат сертификати бўлмаган, божхона тўловларини тўламасдан қўшни Қозоғистон Республикасидан олиб ўтилаётган товар-моллар ушлаб қолинди. Жумладан, фуқаро Бахитхон Қосинбеков 500 килограмм, Қуаниш Абуов 1500 килограмм Қозоғистон унини хуфёна олиб ўтмоқчи бўлган чоғи қўлга тушди. Қонунбузарлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 227-моддаси билан айбдор деб топилиб, 22675 сўмдан жарима тўладилар. 2000 килограмм ун эса давлат эгалигига ўтказилди.

Биз мазкур божхона пости ходимлари билан биргаликда рейд ўтказган чоғимизда ҳам чегарадан ноқонуний тарзда сифатсиз маҳсулотларни олиб ўтиш ҳаракатларига дуч келдик. Қинғир ишлар воқеа жойида фош қилинди.

Ўзини таништиришни хоҳламаган ўрта ёшлардаги аёл: "Чорасизликдан юрибмиз-да.



Қайси она рўзғор ишларини қилиб, болалари бағрида ўтиргиси келмайди, дейсиз. Яхшими, ёмонми бозор ортидан рўзғоримни ўнглаб олдим. Айбим, қонунни билмайман. Бозор мутасаддилари соҳадаги янгиликлардан бохабар қилиб, тушунтириш ишларини олиб борсалар, менга ўхшаганларга яхши бўларди", деди. Атрофга разм соламан. Елкасига қоп орқалаганларнинг аксарияти 30-40 ёшдаги аёллар. Дунёнинг ташвишини елкасига ортгандек сўлғин. Кўзларига боқарканман, тўйиб ухламаганиданми ёки толиққаниданми хорғиндек... Гапга соламан уларни.

**Дилрабо, 34 ёш:**

-Савдо қила бошлаганимга 6 ойдан ошди... Турмуш ўртоғим вафот этгач, қарамоғимдаги 5 нафар фарзандимни кийим-бош, китоб-дафтар билан таъминлаш, қайнонамга қараш ўзимнинг зиммамга тушди... Зардўзлик қилардим. Кейинги йиллар тиккан буюмларимга эҳтиёж бўлмай қолди. Сўнг... бозорга чиқдим. Кунимиз ўтиб турибди, лекин аёл киши учун оила тебратиш оғир экан...

**Маъмура, 34 ёш:**

-Онамникига келганимга 7 йил бўлди. Оилада 10 киши яшаймиз. Акам ўзининг оиласини зўрға уддалайди. Уч болам билан онамнинг пенсиясига қараб қолгандик. Лекин уни ҳам апрелдан буён беришмаяпти. Ноилож таниш-билишдан қарз олиб, бозорга чиқдим. Ахир нимадир қилиш керак-ку?!

Масалага бу хилда ёндашиш, қонунбузилишига моддий қийинчиликни сабаб қилиб кўрсатиш бироз ўринлимикин... Қонунбузарликни эса ҳеч қандай баҳона билан оқлаб бўлмайди. Қолаверса, тадбиркор бўлишнинг уятли жойи йўқ. Фақат қонуний ишласанг бўлгани. Афсуски, кўпчилик буни ҳануз тушуниб етмаётганга ўхшайди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ДАВЛАТЧИЛИКНИНГ МУСТАҲКАМ ҚЎРҒОНИ

**(Боши 1-бетда)**

Шунингдек, Конституциямизда ҳар бир ҳокимият тармоғининг ваколатлари ғоят аниқлик билан белгилаб берилган. Маълумки, парламент тизимига эга барча давлатларда парламентнинг асосий ваколати расман эътироф этилади. **Уларнинг биринчиси парламентнинг қонунчилик ваколатидир.** Парламент бу ваколатни ҳукумат ва суд ҳокимияти билан баҳам кўради. Қонун ишлаб чиқариш жараёнида ҳукуматнинг ҳам иштироки анча муҳимдир. Ўз навбатида Прокурор қонунчилик ташаббусига эгадир. Айни пайтда халқаро шартномаларни ратификация қилиш, йиллик режаларни тасдиқлаш ҳам парламент ваколати доирасига киради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан Конституция ва қонунлар қабул қилиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларини тасдиқлаш, халқаро шартнома ва битимларни ратификация ва денонсация қилиш Олий Мажлиснинг мутлақ ваколатлари жумласига киради. Шунингдек, 82-моддага асосан Олий Мажлис ўз депутатлари орқали қонунчилик ташаббусига эгадир.

**Парламентнинг иккинчи ваколати бюджет-молия ваколатидир.** Буни баъзан "ҳамён ҳуқуқи" деб ҳам аташади. Ҳукумат томонидан илгари сурилган ҳар қандай молиявий қонун ва дастурлар ҳамда йиллик бюджет миқдори парламент томонидан тасдиқланиши керак. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига асосан Олий Мажлис Вазирлар Маҳкамаси тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси бюджетини қабул қилади ва унинг ижроси устидан назорат ўрнатади, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий этади.

**Назорат қилиш ваколати парламентнинг учинчи ваколатидир.** Одатда парламент ижроия ҳокимияти устидан ўз назоратини амалга оширади, яъни ҳукумат парламент олдида ҳисоб беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78, 85, 86-моддаларига асосан Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва Суд ҳокимияти тизимларини ва ваколатларини белгилайди. Олий Мажлис раиси орқали қонунлар ва Олий Мажлис қарорларининг бажарилишини назорат қилади (85-модда) ва тегишли назорат қилувчи қўмита ва комиссиялар сайлайди (86-модда).

Президент ҳокимиятига ҳокимиятнинг бошқа тармоқ институтлари таъсири нуқтаи назаридан Президент мутлақ ва номутлақ ваколатларга эга. **Унинг мутлақ ваколатлари** фақат унинг ўзи томонидан қабул қилган қарори ҳеч кимнинг тасдиғига киритилмай амалга оширилган ваколатларида акс этади.

Президентнинг бундай ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасида белгилаб берилган: Президент ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ва бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади (93-модда, 5-банд); Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлайди ҳамда лавозимидан озод қилади (6-банд); Ўзбекистон Республикаси орденлари, медаллари ва ёрлиқлари билан мукофотлайди, малакавий ва фахрий унвонлар беради (18-банд); Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал қилади (19-банд); Амнистия тўғрисида ҳужжатларни қабул қилади ва Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан ҳукм қилинган фуқароларни авф этади (20-банд). Шунингдек, бир қатор мансабдор шахсларни (Миллий хавфсизлик ва давлат назорати хизмати раҳбарларини, Қуролли кучларнинг олий қўмондонларини) тайинлайди ва вазифасидан озод қилади.

**Президент ўзининг номутлақ ваколатлари**, яъни Олий Мажлис, Конституциявий Суд, вилоят ва шаҳарларнинг тегишли Халқ депутатлари Кенгаши билан алоқада амалга ошириладиган ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига кўра, бир қатор мансабдор шахсларни жумладан, Бош вазир, унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Ўзбекистон Республикасининг Бош Прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлис тасдиғига киритади (93-модда 9-банд); Республика олий ҳокимияти ва бошқарув фаолиятига оид фармонларни ҳам парламент тасдиғига киритади (8-банд); фавқулодда вазиятлар юз берган тақдирда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фавқулодда ҳолат жорий этади, зарурият туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилинган қарорни Олий Мажлис тасдиғига киритади (93-модда 17-банд); вилоятлар ҳокимларини ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлайди ва лавозимидан озод қилади, бу масалаларни эса тегишли халқ депутатлари Кенгашининг тасдиғига киритади (93-модда 12-банд).

Қонунда кўзда тутилган ҳолат юз берганда Олий Мажлисни тарқатиб юбориши мумкин ва қарор қабул қилишда Конституциявий суд билан маслаҳатлашуви лозим (95-модда). Бироқ, ҳокимиятлар орасидаги барқарор мувозанат тамойилидан келиб чиқиб, Президент Олий Мажлисни Конституциямизнинг 93-модда 15 банди асосида жорий этиладиган фавқулодда ҳолат даврида тарқатиб юбора олмайди.

Бундан ташқари, ижроий ҳокимият ваколатлари Вазирлар Маҳкамаси тимсолида Асосий Қонунимизнинг 98-моддасида ўз аксини топган. Мустақил суд ҳокимияти эса 106-116-моддалар билан одил судловнинг очиқлиги, суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатларнинг мажбурийлиги, айбланувчининг ҳимояланиш ҳуқуқи кафолатланган.

**"Тўртинчи ҳокимият"** деб рамзий ном олган оммавий ахборот воситаларига ажратилган меъёрлар эса тартиб бўйича бошқа барча ҳокимиятлар ваколатларининг баёнидан аввал келади. Бу ҳам албатта тасодиф эмас. Демократик фуқаролик жамиятини қуришда мазкур ҳокимиятга ажратилган алоҳида эътибор мана шундай изоҳланиши мумкин, холос.

Хулоса ўрнида айтганда, эндигина ўзининг ўн бир йиллигини қаршилаётган мамлакатимиз Конституцияси давлатимиз мустақиллиги ва суверенитети тимсоли, демократик тузум ва давлат бошқарувининг ҳақиқий мезони, қолаверса, фуқаролик жамияти қуришдан иборат бош мақсадимизнинг мухтасар дастуридир.

**Ҳайдарали ЮНУСОВ,**
**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ўқитувчиси.**



**Гурлан пахта тозалаш очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида 1150 тоннадан ортиқ пахта қайта ишланиб 350 тоннадан зиёд тола тайёрланди.**

**-Маҳсулотнинг сифати юқори, - дейди бош муҳандис Улуғбек Куронбоев. – Чунки биз ёз ойларида корхонамизни қайта таъмирдан чиқардик. Янги агрегатлар ўрнатдик. Шу боис иш унумдорлиги юқори бўлаяпти.**

**СУРАТДА: корхона мутахассислари тола сифатини кўздан кечиришмоқда.**

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.

# БЕГУНОҲ ҚИЗНИНГ ҚОТИЛИ

**(Давоми. Боши ўтган сонда)**

...Ҳилола ярим тунда ўзига келди. Ҳаво салқинлиги сабабли эти увишиб, даъфатан қаерда эканлигини ҳам билолмади. Оёқ-қўллари, бутун вужуди зирқираб оғриётган, мадори қуриган қиз аранг ўрнидан турди. Атроф қоп-қоронғу. Юрагида ҳам тун зулмати чўккан қиз қўрқувдан дир-дир титрай бошлади. Йўқ, бу тунда ёлғиз қолиш қўрқуви эмас, ўзининг эртанги ҳаёти, кечмишини ўйлаб, юзага келган қўрқув эди. Ахир уни бадном қилишди. Қиз бола учун бундан-да оғир фожиа борми? Энди ота-онасининг, қишлоқдошларининг юзига қандай қарайди? Уларга нима дейди? Тегирмон тошидек оғир ўйлар гирдобида қолган қиз юм-юм йиғлаб тонг оттирди. Тонг ғира-ширасида йўлни чамалаб борар экан, қулоғига аллақандай шовқинга ўхшаш товуш чалинди.

Ҳилоланинг қулоғига чалинган товуш сувнинг шарқираб оқиши эди. Қиз толиққанидан бўлса керак, ўзидан ўн қадам наридан ўтган канални пайқамаганди. Салқиндан жунжика-жунжика канал бўйига борган Ҳилола тупроқ ерга оҳиста ўтирди. Сувга бир муддат тикилиб турди. Сув – тозалик, покизалик нишонаси. Кошки, у кўнгил ғашликларини ҳам ювиб кетолса. Кошки, кечаги кўргиликлари бир туш қаби бўлса. Кошки, тушини сувга айтиб қушдек енгил тортса. Кошки, шу сув бағридан гўдак каби покиза бўлиб чиқса. Ана шундай ўйлар гирдобида қолган Ҳилола ўзи ҳам сезмаган ҳолда канал қирғоғига яқин бориб қолганди. Кўнгли бир нарсани пайқаган каби ўзини орқага олмоқчи бўлди-ю, аммо улгурмади. Оёғи тойиб кетиб шарқираб оқаётган сув бағрига ожиз қушча каби қулади...

...Лейтенант Ҳайитовни ишхонага кечқурун бежиз чақиришмаган эди. тезкор маълумотларга кўра, қўшни шаҳарча яқинидан ўтувчи каналдан аёл кишининг жасади топилган, орадан анча вақт ўтгани боис, унинг шахсини аниқлаш мушкул бўлиб турганди. Лейтенант "йўқолиб қолган қиз" иши билан шуғулланаётгани сабабли бўлимга чақирилганди. Маълум бўлишича, каналнинг иккига бўлинган қисмида шох-шабба тўпланиб қолган, мироблар уни тозалаётиб, жасадга дуч келишган. Одатда, бундай пайтда зудлик билан экспертиза ўтказилади. Ҳайитов унинг натижасини кутиб, ишхонада тонг оттирди. Кўнгли бениҳоя ғаш Ҳайитов бу ўша ўзи излаётган Ҳилола эканлигини ички бир туйғу билан ҳис этар, ўйхаёли минг бир кўчага кириб-чиқар, "Унинг қотили ким?", "Қандай қилиб шаҳарга эмас, олисдаги канал бўйига бориб қолди?", "Нима гуноҳи учун ўлдиришди?" каби саволлар гирдобида қолганди.

...Экспертиза натижаси унинг гумонини тасдиқлади. Жасад аёлнинг эмас, ёш қиз боланики бўлиб, ўлим бундан ўн кунча муқаддам рўй бергани аниқланди. Яқин-атрофдан Ҳилоладан бўлак қиз йўқолгани ҳақида хабар олинмаганди. Тезкор гуруҳга раҳбар этиб тайинланган лейтенант Ҳайитов ва унинг ҳамкасблари зиммасида Ҳилоланинг ўлими сабабларини очиш вазифаси қўйилди. Бу эса анойи иш эмас.

* * *

Жамшид кун пешинга яқинлашган маҳал уйғонди. Хаёлини жойига йиғиб кечаги воқеаларни ўйларкан, тиржайиб қўйди. "Ҳаммаси яхши-ю, аммо Ҳилолани ёлғиз йидоқ далада ташлаб кетишгани ёмон бўлди-да". Жамшид хаёлидан кечган шу ўй билан шерикларидан бирига қўнғироқ қилди.

-Жимми, сенда юракдан йўқ, - деган товуш эшитилди нариги томондан. – Қайси қиз сирини ҳаммага ошкор қилиб, ўз номини ёмонотлиқ қилади. Таничкани эслагин. Ўша ишдан сўнг ҳафта ўтмай, ўзи ёнимга излаб келганди. Қаёққа ҳам боради ўша қизинг. Ҳали келавериб, жонингга ҳам тегиб кетади.

Жамшид шериги тилга олган Таничкани яхши биларди. Аввалига ароқ, кейин бошқасидан отавериб, шалақи қизга айланиб қолди. Нахотки, Ҳилола ҳам...

* * *

...Лейтенантнинг шум хабардан сўнг Ҳилоланинг қишлоғига бориши, шўрлик онаизорга учрашиши оғир эди, албатта. Аммо касб шуни тақозо этарди. Эҳтимол, қиз ўлимига олиб келган сабабни қишлоқдан излаш керакдир. Эҳтимол, ота-онасидан бирор бир янги гап эшитиб қолар.

Лейтенант Ҳайитов учун бундай ҳолатлар биринчи марта учраётгани йўқ. Аммо қизига аза очган хонадон эгалари билан суҳбат суҳбатдек ўтмади. Онаизор нуқул йиғлар, дарддан чўкиб қолган ота эса бирор бир гап айтишга ожиз эди. Лейтенант қуруқ қайтмай деган ўйда Ҳилола билан боғлиқ суратларни сўради. Уларни албатта қайтариб бераман, дегандан сўнг онаизор китоблар орасида турган мўъжазгина дафтарни олиб берди. Ҳайитов хайрлашиб кўчага чиқар экан, онаизорнинг "Ўғлим, мана бу ерда яна битта сурат бор, уни беришни унутай дебман" деган товушини эшитди. Бошқаларидан айри ҳолда сақланган сурат лейтенантни бефарқ қолдирмади. Шуни сўрашга оғиз жуфтлади-ю, аммо сўрамади. Тўғри ҳам қилди. Ахир, суратларга изоҳнинг хожати йўқ. Улар ҳар қандай тил эгасига ҳам тушунарли. Лейтенант Ҳайитов ўшанда шўрлик онаизор суратни, суратни эмас, жиноят калитини қўлига тутқазганини билмаганди, албатта.

* * *

Бундан кейинги воқеалар ривожи эса тезлашиб кетди. Чунки сурат, сурат эмас, калит қўлда эди. Лейтенант Ҳайитовнинг қўлига тушган сурат бу бир пайтлар Жамшид қизнинг атрофида парвона бўлиб юрган, тасодифан келиб қолиб Ҳилола ва унинг дугоналари билан тушган сурат эди. Бу йигит ким? Қаерда яшайди? Буни аниқлаш қийин эмасди. Аммо унинг Ҳилоланинг ўлимига алоқаси борми-йўқми? Ахир, гумонлар ҳамиша ҳам тўғри бўлиб чиқавермайди.

Лейтенант гуруҳ аъзолари кўмагида Жамшиднинг ўқишни ташлаб кетганини, анчадан буён ишининг тайини йўқлигини аниқлагач, даставвал у билан учрашмоқчи бўлди. Аммо дарҳол бу фикридан қайтди. Чунки калаванинг учини топиши қийин бўларди. Мабодо, Жамшиднинг бу ишга алоқаси йўқлиги аёнлашса, бир инсоннинг кўнглига озор етиши мумкин эди. Совуққонлик ҳеч кимга панд берган эмас. Ҳайитов шундай йўл тутди: Жамшид қанақа йигит? Унинг дўстлари борми? Бор бўлса кимлар?

Жамшид яшайдиган мавзеда олиб борилган икки-уч кунлик кузатувлар, ишончли кишилардан олинган маълумотлардан равшан бўлдики, унинг ўзига ўхшаган ишининг тайини йўқ шериклари бор. Бирининг енгил машинаси бўлиб, улар кўпинча шу машинада аллақаерларга бориб келишади. Машинани эса кечқурун кўп қаватли уйлар ёнбошидаги тунги сақлаш жойига қўйишади. Лейтенант фуқаро кийимида айнан шу манзилда бўлди. Қоровулга "машинамни кечқурун шу ерда қўймоқчиман, ишончли жойми ишқилиб?" деб гап ташлади. Қоровулга мижознинг кўпайгани яхши, албатта. "Фақат кунлигини вақтида берасиз, насияга бўлмайди", деди қоровул.

-Бу ерда насияга машина қўювчилар ҳам борми? – дея гап ташлади Ҳайитов.

-Бор-да, ука. Биттаси бор, бир ойки, пулни ваъда қилади, аммо чўнтак ковлагиси келмайди. Кошки, мошинани эртароқ келтириб қўйса. Ҳақ ярим тунда келиб, оромимни бузади. Ичиб олишади-ю, шериклари билан гап талашишганига ўлайми.

Ҳайитов гап Жамшид ва унинг шериклари ҳақида бораётганини пайқаб, яна отни қамчилади:

-Жамшидларни айтаётган бўлсангиз керак-да. Ўтган якшанба яна ярим тунда қайтишган эди. Биз билан бир "дом"да туришади.

Ҳайитовнинг бу гапи нишонга тегди. Қоровул "бу бадбахтларнинг қўлидан ҳар бало келади. Якшанба кечаси аллақайси қизнинг шаънига ёмон сўзларни айтишди. Гапларини эшитиб, шуларни ҳам она туққанми, деб тепа сочим тикка бўлади", деди.

Лейтенант Ҳайитовга Жамшид билан суҳбатлашиш учун асос топилганди. Жамшид эшикни очар экан, остонада турган лейтенантни кўриб, ўзини бир лаҳза йўқотиб қўйди. Сўнг "Хизмат ака, уйга марҳамат", дея мулозамат қилган бўлди. Ҳайитовнинг синчков назаридан кўзини олиб қочар экан, ичидан: "Бу янгиларидан шекилли, ҳеч учратмовдим", деган фикр кечди. "Квартира ўзимизнинг номимизда, пропискамиз бор", деди Жамшид паспортини кўрсатишга чоғланиб. Аммо Ҳайитовни унинг ўзи кўпроқ қизиқтирар эди. Машойихлар бежиз айтишмаган: "Бошингга ҳар не келса, тилингдан келур". Лейтенант ўзини таништирар экан, Жамшиднинг фикрини чалғитишга уринди.

-Кечаги футболни кўрдингизми? Бизникилар чиройли ўйнашди, - деди Ҳайитов. – Ё, футболга қизиқмайсизми?

Жамшиднинг энсаси қотди. Бу билан нима демоқчи? Тезроқ мақсадга кўчмайдими? Ё бу ерга адашиб келиб қолдими?

-Жамшид, Ҳилоланинг олдига нега бормай қўйдингиз?

Дабдурустдан берилган бу савол Жамшидни саросимага солмади. Аксинча, енгил тин олгандек бўлди. Ҳа, мана гап қаерда экан? Ҳилола милицияга арз қилибди-да. Жамшид ўша кечадан сўнг Ҳилола тўғрисида бирор бир хабар эшитмаган, шеригига маслаҳат тарзида гапирганида ундан "Нимасига хавотир оласан, бир куни ўзи олдингга келади", деган жавобни эшитиб, бамайлихотир юрган эди.

-Ўзи истаганидан сўнг ўша иш бўлди-да, ака, - деди Жамшид безбетлик билан. – Буёғи йигитчилик...

Ҳайитов ана шу лаҳзада вазиятни баҳолай билди. Жамшид Ҳилоланинг ўлимидан бехабар эди. Буни сездирмай туриб, Жамшид айтмоқчи "Қизнинг ўзи истаган иш" қачон, қаерда бўлгани хусусида ипидан-игнасигача суриштирди ва ҳужжатлаштирди. Ишнинг бу тарзда кетишини ўйламаган Жамшид бир неча дақиқадан сўнг Ҳилоланинг ўлимига сабабчи сифатида гумон қилиниб, ҳибсга олинди.

Воқеаларнинг жадал ривожи давомида Жамшид, ҳатто қизнинг номусига тегмаганлигини айтиб, дастлабки кўрсатмаларидан тонишга уринди. Ҳатто "Мабодо шу ишни қилмоқчи бўлсам, далага чиқишим шартмиди, Ҳилоланинг ўзи шуни хоҳлади" дея юзсизлик ҳам қилди. Аммо тергов ишлари пишиқ-пухта олиб борилди. Жамшид ўша машъум кечада ёлғиз ўзи эмас, шериклари билан бирга бўлганлиги, жиноий ишда уларнинг ҳам қўли борлиги аниқланди. Экспертиза хулосаси, айбланувчилар кўрсатмасидан келиб чиқиб, Ҳилола ўша кечаси номусга чидай олмай, ўзини сувга ташлаган, деган хулосага келинди. Суд қизнинг ўлимига Жамшид ҳамда унинг икки шериги сабабчи, деган тўғри қарорга келди.

Енгил-елпи яшашга ўрганиб қолган, бир бегуноҳ қизнинг бевақт ўлимига сабабчи бўлган жиноятчилар узоқ муддатга қамалдилар. Улар-ку жазосини топди. Аммо ўн гулидан бир гули очилмай хазон бўлган шўрлик Ҳилоланинг қисматига ачинасан киши. Бундай аччиқ қисматни ҳеч кимга раво кўрмасин!

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ОНА ТАБИАТНИНГ ОҒРИҒИ

(Боши 1-бетда)

-Буюк мутафаккир олим Абу Али ибн Сино томонидан Х асрдаёқ бу қоидага содда қилиб таъриф берилган: "Агар чанг ва ғубор бўлмаса, инсон минг йил умр кўриши мумкин". Бу сўзлар бизнинг замонамизда, айниқса, долзарбдир.

Ер, ер ости, ер усти бойликлари сероб бўлган мустақил Ўзбекистонимизда инсоннинг узоқ умр кўриши учун зарур бўлган барча имкониятлар яратилмоқда. Жумладан, Конституциямизнинг 55-моддасида "Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий заҳиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", - дейилган.

Республика Олий Мажлиси томонидан "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида", "Ер кодекси", "Ер ости бойликлари тўғрисида", "Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида", "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида" ва бошқа қонунлар, меъёрий ҳужжатлар қабул қилинганки, бу табиатни муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асосларидир. Бу ҳужжатларни ҳаётга татбиқ этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилишда, экологик муаммолар ечимини топишда муҳим аҳамият касб этади.

Мавжуд экологик ҳолат ва қонунлар талаблари асосида саноат корхоналари, айниқса, тоғ-кон саноати фаолияти натижасида унумдор қатлами бузилган ерларни қайта тиклашга эътибор кучайтирилган. Бундай ерлар вилоят бўйича 4773,8 гектарни ташкил этади. Булардан 1213 гектари рекультивация қилиниб (тозаланиб, қайта тикланиб), халқ хўжалигига қайтарилди. Мавжуд ўсимлик ва ҳайвонот дунёси хилма-хиллигини сақлаб қолиш, уларга яшаш, кўпайиш шароитлари яратиш мақсадида алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар ташкил қилинмоқда. Майдони 580 минг гектардан иборат бўлган вилоятнинг Томди ва Учқудуқ туманлари ҳудудида жойлашган ерларда Марказий Қизилқум қўриқхонасини ташкил этиш ишлари бошлаб юборилган. Нурота туманидаги "Оқтов" буюртма қўриқхонаси таркибида миллий боғ ташкил этиш режалаштирилган. Навбаҳор туманидаги табиий, тарихий аҳамиятга эга бўлган Сармиш миллий боғига давлат мақоми беришга эришиш бу ҳудудда мавжуд бўлган ноёб ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш, қояларга ўйиб чизилган ибтидоий жамоа даврига мансуб петролиф расмларни сақлаб қолиш, бу масканни сайёҳлар, кенг жамоатчилик учун очиб бериш имконини туғдиради.

Ҳаводаги карбонат ангидрид – $CO_2$ гази миқдорининг ошиши атмосферанинг юқори қатламларида қобиқ ҳосил қилади. Шу ва бошқа сабабларга кўра ер курраси ҳароратининг кўтарилиши кузатилмоқда. Бундан қандай ҳалокатли оқибатлар келиб чиқиши мумкинлиги оммавий ахборот воситалари орқали маълум қилинаяпти.



**-Хўш, бу борада вилоятда аҳвол қандай?**

-Минтақада саноатнинг ривожланиши 1965 йиллардан бошланган. Кимё, тоғ-металлургия ва энергетика корхоналарининг атроф муҳитга салбий таъсири, экологик хавфлилик даражаси ҳисобга олинмаган. "Навоийазот", электрокимёзавод, "ГМЗ-1" заводлари аҳоли яшайдиган қишлоқ ва шаҳар яқинига жойлаштирилган. Булардан ташқари, "Қизилқумцемент", Навоий электр станцияси каби корхоналар ҳам мавжуд. Улардан атмосфера ҳавосига чиқариладиган зарарли моддаларни камайтириш мақсадида 546 та чанг-газ тозалаш қурилмалари ишлаб турибди. Бу ускуналар йилига 423 минг тонна зарарли чангларни ушлаб қолиш қувватига эга.

**-Ота-боболаримиз қадим-қадимдан тоза ҳаво ва тоза сувдан фойдаланиб келганлар. Табиатни тоза сақлаш ҳовлимиздан бошланади. Ер, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси муҳофазаси хусусида сўзласангиз?**

-Суғориладиган майдонлардаги тупроқнинг сульфатли шўрланиши вилоят бўйича жами 48 минг гектарни ташкил қилади. Шўрланиш даражаси кўрсаткичларига эътибор берадиган бўлсак, салбий ҳолатни кузатамиз. Бу эса ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашни тақозо этади. Вилоятда жами 297 километр коллектор-зовурлар мавжуд. Уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун хизмат қилмоқда. Зовурлар ўз вақтида тозаланмаганлиги сабабли ер ости суви кўтарилиши, ернинг шўрланишига олиб келмоқда. Шунингдек, ерларни суғоришда ишлатиладиган Зарафшон сувининг сифати ҳам ерлар шўрланиши даражасини белгилайди. Мутахассисларнинг маълумотлари сув таркибида йод, кальций, магний ва бошқа элементлар миқдори меъёрдан юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Вилоят ҳудудида тўртта йирик оқова сувларни тозалаш иншооти мавжуд бўлиб, булар Навоий шаҳри, Маликработ қўрғони, Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарларида жойлашган. Ҳозирги кунда ушбу иншоотлардан тозаланиб чиққан оқова сувлардан мақсадли тарзда фойдаланилаяпти. Улардан саноат технологиясида қайта ишлатишда, техник экинларни суғоришда қисман фойдаланилмоқда.

Вилоятимизнинг ёввойи ҳайвонот ва ўсимлик дунёси республикамизнинг бошқа ҳудудларига нисбатан бой. Чунки чўл ҳайвонлари, ўсимликларининг ҳеч қаерда учрамайдиган эндемик турлари Қизилқум саҳросида мавжуд. Ўзбекистонда 4500 га яқин ўсимлик тури бўлса, шундан 1200 дан ошиғи вилоятимиз ҳудудида ўсади. Ўзбекистон "Қизил китоб"ига киритилган 301 та ноёб, йўқолиб бораётган ўсимлик турларидан 62 тури вилоятимизда учрайди.

Бундан ташқари вилоятимизда 400 дан ортиқ турдаги ҳайвон, қуш ва паррандалар ҳаёт кечиради. Ҳайвонот дунёсининг ўндан ортиқ ноёб турлари - бўри, тулки, чиябўри, айиқ, тўнғиз, жайрон, тоғ эчкиси, бўрсиқ, қуён, ондатра кўпаймоқда. Сув ҳавзаларида, дарё, кўл ва зовурларда 30 дан ошиқ балиқ турлари мавжуд. Инсон ҳайвонот дунёсига ижобий муносабатда бўлиши ва уни асраб-авайлаши зарур. Бу эса ўз навбатида табиий мувозанатни сақлайди. Вазирлар Маҳкамасининг "Алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар давлат кадастрини юритиш тўғрисида"ги қарори ижросига эътибор кучайтирилмоқда. Ҳозир вилоятда жами ўн битта умумий майдони 32431,6 гектардан иборат алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар мавжуд. "Сармиш" миллий боғи, "Оқтов" буюртма қўриқхонаси, Нурота ер ости чучук ичимлик сув манбаи шулар сирасига киради. Нурота ер ости чучук ичимлик сув манбаига Навоий вилояти ҳокимининг қарори билан алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудуд мақоми берилди.

Барча корхона ва ташкилотларда ишлатиб бўлинган, таркибида симоб моддаси бор люминицент лампаларни зарарсизлантириш учун Навоий тоғ-металлургия комбинатида махсус цех ишга туширилди.

Вилоятдаги барча шаҳар (Навоий шаҳридан ташқари) ва туманлардаги чиқитхоналар лойиҳасиз қурилганлиги ҳамда чиқиндилар навларга ажратилмай жойлаштирилиши, санитария-гигиена талабларига жавоб бермаслиги ҳам атроф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Ахлат ўз вақтида, махсус ажратилган жойга ташланмаса, кўплаб салбий оқибатлар омили бўлиши мумкин. Табиатни муҳофаза қилиш тадбири сифатида ҳозир қўмита томонидан Қизилтепа ва Конимех туманлари марказида ахлатхоналари қурилиши учун маблағ ажратилмоқда.

Баргхазон ва ахлатларни ёқиб юборишга йўл қўймаслигимиз зарур. Улар ёнганда ҳосил бўладиган тутун ва бошқа зарарли моддаларнинг соғлигимизга ва атроф муҳитга зарари жуда катта.

**-Табиатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ назорат ишларида қандай натижаларга эришиляпти?**

-Текширишларни Мувофиқлаштириш ҳудудий комиссияси томонидан тасдиқланган режага асосан шу йилнинг биринчи ярмида 246 корхона ва ташкилотлар назоратдан ўтказилди. Бу ўтган йилги текширишлар сонига нисбатан 165 фоизни ташкил этди. Жами текширишлар давомида қонун талабларини бузган 396 шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Вилоятда жами аниқланган камчиликлар юзасидан 3 миллион сўм жарима белгиланди. Унинг 2,3 миллион сўми мансабдор шахсларга белгиланди ва ундириб олинди.

Навоий вилояти ҳудудини кесиб ўтувчи Зарафшон дарёсининг умумий муҳофаза минтақаси 6966 гектарни, дарёнинг қирғоқ ерлари 1131 гектарни ташкил этади. Қўмита назоратчилари томонидан дарёнинг муҳофаза минтақаси тўлиқ назоратга олинган бўлиб, ноқонуний фойдаланган шахсларга нисбатан маъмурий ишлар қўзғатилмоқда.

Бундай далилларни кончилик соҳаси, ишлаб чиқариш ва маиший қаттиқ чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши ва жойлаштирилишини назорат қилиш мисолида ҳам келтириш мумкин. Қўмита келгусида ҳам қатъиятли иш олиб бориб, табиатнинг мусаффо бўлиши, экологик назорат масалаларига диққат-эътиборни кучайтиради.

**Суҳбатдош:**
**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# ЕТТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

## ЯНА ПОРТЛАШ

***Куни кеча кечқурун Бағдодда яна учта кучли портлаш юз берди. АҚШ армияси матбуот котибининг таъкидлашича, бир қанча автомашиналарнинг зарарланганини ҳисобга олмаса, аҳоли жиддий талофат кўрмаган.***



Ушбу портлашнинг сабаби мина эмас, балки қирувчи самолётлардан отиладиган ракеталардир. Ракеталарни нотўғри ташиш оқибатида бу фожеа юзага келган бўлиши ҳам мумкин. Тафсилотлар ўрганилмоқда.

## ИЛК ЙЎҚОТИШ

***Афғонистон жанубидаги Спин Болдак шаҳри ёнида 33 ёшли руминиялик сержант ўз хизмат вазифасини ўтаб қайтаётганда автоколонна ўққа тутилиши натижасида ҳалок бўлди.***



Бу 2001 йилдан буён Руминия тинчлик кучларининг Афғонистондаги илк йўқотиши, дея таъкидлади Руминия мудофаа вазири.

## КЕЛАЖАК АВТОСИ

***Мадрид шаҳрида оқ ва ҳаво рангда "ифлосланиш ноль", "келажак технологияси" шиорлари билан безатилган автобуслар аҳоли эътиборини ўзига тортди.***

Бу автобусларнинг бошқа автобуслардан фарқи, улар водород орқали ҳаракатга келади. Водород кислород билан реакцияга киришгач, кучли электр энергияси ажралади ва ўзидан заҳарли газлар чиқармайди. Водород автобусининг қандай ҳаракатга келишини барча йўловчилар кузатиши мумкин. Чунки унинг двигатели автобус томида шиша қоплама билан жойлаштирилган. Экспертларнинг таъкидлашича, бундай автобуслар катта сарф-харажатларга сабаб бўлса-да, атроф-муҳитни ифлослантирмайди.

Даймлер Крайслер (Daimler Chrysler)нинг водород автобусларини Европанинг бир қанча бошқа шаҳарлари ҳам яқин икки йил ичида ўз кўчаларида қатновга қўймоқчи. Ушбу дастур 60 миллион еврога тушиши мумкин. Харажатнинг 30 фоизини Европа Иттифоқи ўз зиммасига олиш ниятида.

## ЖИНОЯТЧИ ҚЎЛГА ТУШДИ

***Москва вилояти уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бошқармасининг маълумотига кўра, Москва остонасида теракт уюштирилиши мумкин эди.***



Сешанба куни соат 20.00 да Солнечногорск шаҳридаги Сенежско кўлининг дамбаси яқинидаги ДАН назоратчилари Грозний шаҳрида туғилган номаълум шахснинг автомашинасидан катта ҳажмдаги масофадан портлайдиган қўлбола қурилмалар топишди. Айни дамда жиноятчи сўроқ қилинмоқда.

## КАЛИТ КИМДА?

***Калифорния университетидаги ядровий қуролларни текшириш илмий лабораториясининг калити номаълум тарзда йўқолди.***



Бу эса лаборатория учун 1,6 миллион долларга тушди. Чунки йўқотилган калитлар шодаси лабораториянинг барча эшиклари учун мўлжалланган эди. "Қўриқлаш ва хавфсизлик хизмати ходимлари лоқайдликлари учун суд олдида жавоб беришади", дейди лаборатория бошқарувчиси. Лабораторияга 1952 йил асос солинган бўлиб, бир вақтлар собиқ СССР ва АҚШ ўртасида авж олган ядровий куролланиш пойгасида муҳим ўрин тутган эди.

## РОССИЯ – ЭРОН ҲАМКОРЛИГИ

***Россия бугунги кунда Эронга катта миқдорда қурол етказиб беришга тайёр эканлигини маълум қилди. Эрон ва Россия ўртасида яқин кунгача қурол-яроғ ва ҳарбий техника ҳамкорлигини таъқиқловчи санкция мавжуд эди.***



Россия Федерацияси президенти Владимир Путин Эрон миллий хавфсизлиги котиби Ҳасан Роухан билан Москвадаги учрашувида энди муаммо ҳал этилганини айтиб ўтди. Ушбу учрашувдан сўнг Эрон ҳукумати Россиядан 1,6 миллиард долларлик қурол сотиб олиш ва Эронда Россиянинг мавжуд жанговар самолёт ва танкларини модернизация қилиш таклифини баён этди.

Эрон ва Россия ҳарбий-техникавий ҳамкорлигининг ривожланган даври 1990 йилларга тўғри келади. 1992 йили Эронда иккита зирҳли танкларни ишлаб чиқарувчи завод қурилиб, 30 та СУ-24 ва 35 та МИГ-29 қирувчи самолётлари сотиб олинган эди. 1990 йилдан 1995 йилгача Теҳронга етказиб бериладиган Россия ҳарбий техникалари йилига 500 миллион долларни ташкил этар эди.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

# ИЛМ - АМАЛИЁТИ БИЛАН ҚАДРЛИ

ЖАРАЁН

***Аввал хабар берганимиздек Ўзбекистон бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институтида "Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш муаммолари" мавзуида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтганди. Икки кун давом этган мазкур нуфузли анжуманда ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида вужудга келаётган муаммолар атрофлича муҳокама этилди.***

Маълумки, мамлакат аграр секторидаги ислоҳотлар ўзининг бир қатор ижобий натижаларини бермоқда. Мулк давлат тасарруфидан чиқарилди, хўжалик юритишнинг янги шакллари мужассамлашди. Қишлоқ хўжалиги экинларининг структураси такомиллаштирилди. Маҳсулотлар етиштириш асосан нодавлат сектор зиммасига юклатилди.

Бироқ, анжуманда таъкидланганидек, аграр секторда ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Сўнгги йилларда пахта ва ғалла алмашлаб экиш тупроқ унумдорлигининг пасайишига олиб келмоқда. Тупроқдаги озуқа моддаларининг ўрни қопланмаяпти. Натижада сўнгги 10 йил ичида республика бўйича тупроқнинг унумдорлиги 3 баллга пасайиб кетди. Навоий, Наманган ва Тошкент вилоятларида эса бу кўрсаткич 7 баллга, Самарқанд, Фарғона вилоятларида эса 10 баллга камайган.

Бундай ҳолат экинлар ҳосилдорлигининг тушиб кетишига олиб келмоқда. Жумладан, пахта ҳосилдорлиги сўнгги 10 йил ичида 5 центнерга пасайган. Бундай ҳолат пахта қатори бошқа экин турларида ҳам кўзга ташланмоқда.

Анжуманда сўз олган маърузачилар шу каби муаммоларга эътибор қаратишди. Хўш, бу нуфузли конференциянинг ўтказилиши ислоҳотлар жараёнига қандай наф келтиради? Конференция иштирокчиларининг айримлари билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

**Радж ПОРОДА, Халқаро "ICARDA" ташкилоти вакили**:

-Ўзбекистонни кўп йиллардан бери пахта саноати билан шуғулланиб келувчи давлат сифатида яхши биламан. Мана шундай анжуманларнинг ўтказиб турилиши эса янги-янги изланишларга, йўл қўйилаётган муаммо ва камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.

**Расулмат ҲУСАНОВ, Ўзбекистон бозор ислоҳотлари илмий-тадқиқот институти директори, иқтисод фанлари доктори:**

-Ўз маърузамда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигидаги бугунги ҳолат ва унинг келиб чиқиш сабабларининг баъзи қирраларини ёритишга ҳаракат қилдим. Шунингдек, ривожланган мамлакатлар тажрибасига таянган ҳолда республикамиз қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантириш омиллари устида тўхталдим.

**Ренат НАЗАРОВ, қишлоқ хўжалик фанлари доктори:**

-Биласизки, бу йил пахта кечикди. Хўш, сабаб нимада? Менимча, ўғит таъминотидаги тақчиллик кўпчиликни қийнаб қўйди. Чунки ғўза ривожининг 50 фоизи ўғитга боғлиқ. Буни биздан кўра уста пахтакорлар яхши тушунишади. Масалан, азот таъминоти 90 фоиз, фосфор 50 фоизга ҳам бормади, калий 10-15 фоизга етди, холос. Оқибатда пахта кечга қолди.

Яна бир гап. Анжуманга тажрибали деҳқонлару қўли узун фермерларни ҳам таклиф этса бўларкан. Ана шунда ҳаёт билан илмий хулосалар ўзаро уйғунлашган бўлармиди дейман-да. Чунки илм, илмий тавсиялар амалий жиҳати билан қадрли. Буни келгусида мана шундай конференцияларни ташкиллаштиришда инобатга олмоқ керак.

**Шавкат ОРТИҚОВ**


РЕСПУБЛИКА ПАХТА ТОЛАСИ ИСТЕЪМОЛЧИ КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

РЕСПУБЛИКА МОЛ ХОМАШЁ БИРЖАСИ ВА "ЎЗПАХТАСАНОАТ" УЮШМАСИ



**14 ноябр соат 15.00 да республика пахта толаси истеъмолчилари учун очиқ "ким ошди" савдосини ўтказади.**

Сотувга Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Фарғона, Хоразм ва Тошкент вилоятларининг 1, 3, 4, 5-нав пахта толаси тақдим этилади.

**Иштирокчиларни рўйхатга олиш 14 ноябр соат 13.00 да**

**Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳкўчаси, 53-уй.**

ЎзРМХБ маркази биносида ўтказилади.

Сотувга қўйилган пахта толаси миқдори, сифат жиҳатлари ва лотларга бўлинганлиги тўғрисидаги тўлиқ маълумотни Республика мол хомашё биржасининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўлимларидан олиш мумкин.

**Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилинг: 139-83-88; 139-83-96**




**"Савдогарбанк"нинг Самарқанд вилояти бошқармаси иш ҳажми, мижозларининг кўплиги жиҳатидан республиканинг бошқа минтақаларидан ажралиб туради. Унинг ўнта бўлими, кўплаб мини банкларида тўрт ярим мингдан зиёд мижозларга, шу жумладан, юзлаб фермерларга хизмат кўрсатилмоқда.**

**СУРАТДА: бошқарма бошлиғи Талъат Орипов ва иқтисодчи Дилноза Мухторова таҳлилий маълумотларни кўздан кечиришмоқда.**

Б.АКРАМОВ олган сурат.

# ТАДБИРКОРГА БЕРСАНГ ҚАРЗ – ҲАМ ҚАЙТАДИ, ҲАМ АЙТАДИ

(Боши 1-бетда)

Вазирлар Маҳкамасининг "Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан жорий йилнинг 1 октябрига қадар 1 миллиард 133 миллион сўм кредит ажратди. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида бюджетдан ташқари жамғармалар ҳамда Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Шу йилнинг уч чораги мобайнида "Бизнес-фонд", "Бандлик жамғармаси", Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси кредит линиялари орқали 443 миллион сўм кредит маблағлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун тадбиркорларга берилди.

Шу саъй-ҳаракатлар туфайли 6440 дан зиёд янги иш ўринлари яратилди. Демак, шунча одам яхши турмуш кечириш учун ўз иш ўрнига эга бўлади. Бу эса ғоят катта ижтимоий аҳамиятга молик. Шунингдек, тузилган қўшимча келишувга асосан юридик шахс мақомига эга бўлган кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларининг дастлабки сармоясини шакллантириш мақсадида вилоят "Бизнес-фонд" бошқармаси томонидан 35,8 миллион, ДФХУ жамғармасидан эса 4,3 миллион сўм миқдорида, жами қирқта субъектга кредит ресурси ажратилди.

Қарз олингандан кейин иш тадбиркорларнинг билимига, бозор иқтисодиёти шароитида қай даражада фаолият кўрсата олишига боғлиқ. Агар у ишни тўғри ташкил эта олса, банк берган сармоя билан ўз хўжалигининг моддий-техника базасини ҳар томонлама мустаҳкамлаши мумкин. Ажратилган кредит маблағларининг асосий қисми, яъни 318,7 миллион сўми қишлоқ хўжалигига йўналтирилгани ҳам бу соҳага алоҳида эътибор берилаётганини кўрсатади.

Банк томонидан берилган сармоя ҳисобидан кўплаб янги корхоналар иш бошлаган. Масалан, Денов туманидаги "Интилиш – XXI аср" хусусий фирмасига хўжалик қоғози ишлаб чиқариш цехини барпо этиш учун банкнинг ўз маблағи ҳисобидан ўн миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилганди. Ҳозирги кунда ушбу маблағ ҳисобидан ўн битта янги иш ўринлари ташкил этилди ва хўжалик қоғози тайёрлаш йўлга қўйилди.



Бойсун туманидаги "Умид" кичик корхонасига ҳам сочиқ цехини қуришлари учун ўн миллион сўм имтиёзли кредит берилган эди. Ҳозир бу ерда ҳам ўнта янги иш ўринлари яратилди.

Инвестиция лойиҳаларини танлаб олиб, тадбиркорлар, кичик ва ўрта бизнес субъектларини экспортга йўналтирилган ҳамда импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни йўлга қўйишлари учун ушбу молия муассасаси бир қатор ишларни амалга оширди. Жумладан, банкнинг Ангор бўлими томонидан "Сурхон-Экспорт" масъулияти чекланган жамиятига хориждаги компаниялардан биридан пахта чигитини ва кунгабоқар хом ашёларини қайта ишлаб, ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган технологияларни олиб келиш учун 610 минг АҚШ доллари миқдорида кредит ажратиш билан боғлиқ барча масалалар ижобий ҳал этилди.

-Ажратилган кредитлар эвазига ташкил қилинган корхоналар бугун кенг кўламда фаолият юритиб, ривожланиб бормоқда, - дейди "Пахта-Банк"нинг Сурхондарё вилоят бошқармаси бошлиғи Х.Бозоров. - Масалан, Қумқўрғон туманидаги "Маҳорат" кўп тармоқли ўқув-ишлаб чиқариш корхонасига уч йил муддатга 40 миллион сўм кредит маблағи ажратилган эди. Ҳозирги кунда ушбу корхонада ҳам юзта янги иш ўринлари ташкил этилган бўлиб, бу ерда болалар кийим-кечаклари, спорт кийимлари, чойшаблар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда.

Банк бозор иқтисодиёти шароитида фуқароларни қўллаб-қувватлашни ўз фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгилаган. Масалан, маҳаллалардаги кам таъминланган ёш оилаларга хўжалик юритишга кўмаклашиш мақсадида ўн икки миллион сўм имтиёзли микрокредитлар берилди. Вазирлар Маҳкамасининг "Обод маҳалла йили" дастури тўғрисида"ги қарорига асосан 74,5 миллион сўм миқдорида маблағ ажратилди.

Бу йил сурхондарёлик деҳқонлар 345 минг тонналик пахта хирмонини бунёд қилиб, мамлакатда биринчи бўлиб шартномавий режани зиёдаси билан бажардилар ва Президентимизнинг табригига сазовор бўлдилар. Пахта ҳосилининг ўз вақтида йиғиштириб олинишида "Пахта-Банк"чиларнинг муносиб улуши бор. Чунки теримда қатнашганларнинг иш ҳақини вақтида тўлаш, уларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш банкнинг зиммасидаги энг масъулиятли вазифалардан бири. Терим қатнашчиларига ҳар беш кунда бир килограмм ўрта толали хом ашёга 36, ингичка толалисига 38, ингичка толали уруғлик пахтага эса 40 сўмдан иш ҳақи тўланди.

Пахта терими мавсумида "Пахта-Банк"нинг вилоят бошқармаси хизмат кўрсатаётган 113 ширкат, 253 деҳқон ва фермер хўжаликларига ажратилган маблағлардан қандай фойдаланилаётганлиги доимий равишда таҳлил қилиб борилди. Ушбу банк жамоаси ўз фаолиятини янада ривожлантиришга, фойдани кўпайтиришга, дастурий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни изчил адо этиб боришга интилмоқда.

**Х.ШАМШИЕВА**

# ШАШМАҚОМ - ЎРТА ОСИЁ МУМТОЗ МУСИҚАСИ

***ЮНЕСКО халқаро ташкилотининг Париждаги бош қароргоҳида "Инсоният оғзаки ва номоддий мероси намуналари" танлови рўйхатига киритилган ғолиблар эълон қилинди.***

Жаҳоннинг етмиш мамлакати мазкур танловда қатнашиш истагини билдирганди. Халқаро ҳакамлар ҳайъати улар орасидан 28 номзодни танлаб олди, холос. Бош қароргоҳда ўтказилган маросимда Белгия, Туркия, Озарбайжон, Бразилия, Куба, Хитой, Ҳиндистон оғзаки ва номоддий мероси билан бир қаторда мамлакатимиз томонидан тақдим этилган Шашмақом - Ўрта Осиё мумтоз мусиқаси деб эълон қилинди. Эндиликда Шашмақом Ўрта Осиё мумтоз мусиқаси сифатида ЮНЕСКОнинг махсус рўйхатига киритилди. У нуфузли халқаро ташкилот муҳофазасига олинди.

**ЭЪТИРОФ**

Мазкур тадбир доирасида 2001 йилдан буён кўҳна Самарқандда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" мусиқа фестивали ғолибига ҳам ЮНЕСКО-Ўзбекистон мукофотини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тақдимотда ЮНЕСКОга аъзо давлатлар вакиллари, маданият арбоблари, шу соҳада фаолият олиб бораётган олим ва мутахассислар иштирок этишди. Халқаро ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, 2003 йилги "Шарқ тароналари" мукофоти Кубанинг Латумба Франсеско фолклор жамоасига берилди.

**"Туркистон-пресс"**

***А.Ҳидоятов номидаги Ўзбек давлат драма театрида «Қайтар дунё» спектаклининг тақдимоти бўлди.***

## «ҚАЙТАР ДУНЁ»

XX аср вабоси сифатида эътироф этилган СПИД (ОИТС) янги асрда ҳам инсониятни таъқиб этмоқда. Оқибатда дунёда минглаб одамларнинг, ҳатто болаларнинг ҳам ёстиғи қуримоқда. Бу жараённинг мамлакатимизда ҳам кузатилаётгани, айниқса, ачинарли ҳолдир.

Гиёҳвандлик ва ОИТСнинг олдини олишнинг оқилона йўли - аҳолини, биринчи навбатда ёшларни бу иллатнинг аянчли оқибатларидан етарлича хабардор қилишдир. Мазкур спектакль ана шу эзгу ишга хизмат қилади.

Уни С.Азларов асари асосида Ҳ.Файзиев саҳналаштирган.

**(ЎзА )**

# САРТАРОШХОНАДАГИ КИТОБ

***Таниш сартарошхонага кирдим. Уста бир мижозининг соқолини қиртишлаётган экан. Кутиб ўтирдим. Шунда кўзим устанинг кенг ойнавандлик столи устидаги китобга тушди. У ишлатаётган устарасини шу китобдан йиртиб олган варақҳа тозалаётган эди...***

Туриб, китобни қўлимга олдим. Таниқли бир адибнинг машҳур тарихий асари эди. Афсуски, китобнинг ўнтача варағини уста йиртиб ишлатиб бўлган экан.

-Шундай китобни увол қилибсизку?! – дедим.

**МУЛОҲАЗА**

-Эски китоб, - деди уста бепарвогина, - бозордан беш-ўнта шундай эски китобларни юз эллик сўмдан обкелдим. Бизга қоғоз чидаш бермайди-да.

-Соқол кўпигини артгани бошқа қоғоз қуриб кетибдимми?! – устага тушунтириб ўтириш ортиқчалигини сездим. – Бу китобни пулини бериб олиб кетаман...

Яқинда Олтиариқдаги марказий кутубхонага кириб, янги олиб келинган китоблар билан танишган эдим. Бир йил бадалида 30 тага яқин янги китоб келтирилибди. Олинган китобларнинг ҳам баъзилари юпқа, бир кўз югуртиргулик савияда.

Энди муддаога ўтсам. Бугун кўча-кўй, бозорларда эски китобларни сотиб ўтирганларга кўзингиз тушади. Кимдир ўқигани оляпти, сартарошга ўхшаб ишлатгани олаётганлар ҳам бор. Мен эски китобларни кутубхоналар қошида пулли қабул қилишни йўлга қўйиш тарафдориман. Туман, шаҳар молия бўлимлари обуна қатори шу муҳим ишга ҳам озгинадан маблағ ажратишса, ана ўшанда, маънавият юксалишига амалий ҳисса қўшган бўлардилар. Пистафуруш, сартарошлар қўлида йиртилиб, йўқ бўлаётган китоблар орасида миллат маънавиятини бойитувчи нодир асарлар йўқ дейсизми?! Макулатурага айланиб кетаётган китоблар-чи?! Бундай аҳволнинг олдини олишимиз керак. Зеро, ҳар бир миллатнинг улуғлиги маънавиятга, хусусан, китобга бўлган муносабати, эътиқоди билан ўлчанишини унутиб бўлмайди.

**Холиқ НАЗАР**

(Боши 1-бетда)

# ЖАСОРАТЛИ УМР ЙЎЛИ

Кўк юзидаги кўкимтир булутлар муаллақ тургандек бўлар, кимдир бу булутларни ёқиб юборишга интиларди. Оғир жароҳат олган жангчи ҳалок бўлганлар орасида хушсиз эди. Орадан қанча муддат ўтганини англай олмай оғриқ зўридан ингранинб кўзини очди. Бир оёғи оғир, қимирлатиш имкони йўқ. Валинка ичи қонга тўлган. Совуқда музлагандек эди. Ўнгу сўлда эса портлашлар давом этарди.

-Бир маҳал кучукнинг инграган овози қулоғимга чалинди, - дейди иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Сафо Ашуров. – Қарасам, у ер бағирлаб эмаклаб ёнимга келди-ю юрагимга бошини қўйиб бир зум ўтирди, сўнгра келган изига қайтиб кетди.

Сафо аканинг томоғи битгандек бўлди. Пиёладаги чойдан икки ҳўплам ичдию, яна сўзини давом эттирди:

-Бир маҳал қарасам, - дейди у, - олтита оқ кучукчалар чанани тортиб келди. Табиёт санитари мени чанага ортди. Шу маҳал бомба гувиллаб келиб атрофда портлади. Тўс-тўполон бошланди. Кучукчалар ерга ётиб олди.

Ҳарбий госпитал. Ашуров инграниб ётибди. Профессор ва ҳарбий ҳакимлар унинг шикастланган танасини обдон ўрганиб чиққач, кўкрагигача гипс қилишди.

-Тўққиз ярим ой суяк касали билан даволандим, - дейди суҳбатдошим, - сон илиги ичига осколка тешиб кирган экан.

Профессор келиб:

-Оёқни кесамиз, - деди.

Мен розилик бермадим.

-70-80 ёшга кирсанг, иликда ёғ камайса, осколка суякни тешиб чиқади, - деди профессор.

Танадаги осколка билан Сафо Ашуров яна ҳаракатдаги армия сафида бўлди. Берлинга етмиш километр қолганда тағин оғир яраланди. Унга ҳарбий врачлар дармон бўлишди.

Қизил вагонларда ярадорлар мамлакат ичкарисига жўнатилди. Озгина йўл босилган эди, душман самолётлари вагонлар устига бомба ёғдирди. Қиёмат-қойим бошлангандай бўлди. Бир маҳал Сафо Ашуров вагони усти тешилиб, ичкарига эллик килограммлик бомба тушди. Бомба портлашини ярадорлар нафас олмай кузатиб туришди.

Бахтни қарангки, бомба ёрилмади. Ярадорлар зудлик билан ерга, қор устига туширилди. Солдатлардан бири чаққонлик билан запални олиб, ажал уруғини зарарсизлантириб, уни одеялда кўтариб ўша атрофдаги чуқурга ташладилар.

-Тасодифий воқеа туфайли, - дейди Сафо Ашуров, - омон қолдик. Ўшанда йигирма ёшда эдим. Мана ҳозир 80 ни қоралайдим. Тангри умр берса уни ҳеч ким қайтариб ололмаслигига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Собиқ жангчи урушдан еттита жанговар орден ва медал билан қайтди. Узоқ йиллар ҳаёт сўқмоқларида ҳалол ва баракали ишлади. Икки ўғил, икки қиз фарзанди, 22 невара, 9 нафар эвараси бор. Айни дамда у Навбаҳор туманининг Бешравот қўрғонида истиқомат қилади.

-Уч йил бўлди, - дейди суҳбатдошим, - илик ичидаги осколка ҳаракатга келди. Оёғим гоҳи-гоҳида титрайди, шишади. Лекин мен унга бўш келмайман. Умрим қанча бўлса, уруш жароҳатини кўтариб юраман. У менга тегмаса, мен ҳам уни безовта қилгим йўқ. Ахир, олтмиш йил кўтариб юрган ўқ парчаси танамнинг бир бўлагига айланган-да.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ**

# ОНА ҚАЙНОНА БЎЛОЛМАДИ

***Яқинда қўшни қишлоқлик бир кампир оламдан ўтди. Бир оёқли эрнинг этагидан тутган, тоат-ибодатли бўлган раҳматли аёл ёмон хотин эмасди. Аммо...***

Бусора кампирнинг икки ўғли урушга кетиб, кенжа келини билан қолди. Тилли-жағли жувоннинг жабр-зулми суякдан ўтиб турган кезларда тўнғичидан қораxат келди. Онаизор дод солди, "Вой болам" деди, "кўзгинамнинг қораси" деди.

-Унингизни ўчиринг! Тағин қораxат келиб , мениям шўримга шўрва тўкилиб қолсинми?!

Келиннинг иддаосидан бўйи бир газ чўкиб кетган Бусора кампир кўз ёшини ичига ютди. Ғамнинг тегирмон тоши юрагини ун қилдики, келинидан қўрққанидан унини чиқармади. Оламни қонга ботириб, оналарни, аёлларни йиғлатган уруш тугади. Она аллақачон яримжон бўлганди, 46-йили яримтагина бўлиб кенжаси кириб келди: ўнг оёғини кесиб ташлашибди, чап қўлтиғида қўлтаёқ.

Йиллар ўтди, келин ўғил-қизларни туғиб тили тағин ҳам узайганидан узайди. Унга муте она-ўғил овоз чиқармай яшайвердилар. Эллигинчи йилнинг баҳори эди. Она эр-хотиннинг орасидан қайси қора мушук ўтди – билгани йўқ. Гап пойламаганди ҳам, аммо тешик қулоқ-да...

**ТУРМУШ**

-Онангни харҳашасини кўтардим, - дер эди келин. – Раҳмат эшитмадим. Энди сениям тилинг чиқдими, чўлоқ! Уруғларингга ўт тушсин сени!

Бусора кампир гуноҳкор қулоқларини чиппа беркитди, қайта-қайта истиғфор айтиб, жойнамозини ёзади. Намоз чоғи адашса ҳам парво қилмади, фақат ўзига худодан инсоф тилади: "шу жувонни қарғамайин илоё". Лекин алами зўр эдики, қоқшол кафтлари очилгач, тили бошқачасига айланди:

-Арслондай ўғлимни "сен" деган, мусичадай боламни "чўлоқ" деган зотни она қилдинг, илоҳо қайнона қилмагин. Менга шу кунларни кўрсатгунча жонимни ол, эй Парвардигор...

-Кейин-чи, кейин нима бўлди? – дерсиз.

Кейин худонинг айтгани бўлди. Бусора кампир ўша тонгда жойнамоздан бош кўтаргани йўқ. Қайнонасидан қутулган келинпошша уч ўғилни улғайтирди. Тўнғичи 1963 йили ўқишга бориб, безорилар қўлида нобуд бўлди. Ўртанчаси сариқ касали билан вафот этди. Кенжаси эса ҳарбийга борганича қайтгани йўқ, шимолдаги аллақайси шаҳарда уйланиб қолиб кетган, илгари ҳар замонда келиб турарди, ўн йилчадан бери ҳеч дараги йўқ.

Эр-хотин маслаҳатлашиб, катта қизнинг бир ўғлини улғайтиришди. Ақлли йигитча бобоси ва момосининг хизматида бўлди, ўқиб диплом олди. Уни яхши жойга унашиб, нон ушатилди, кўрпалар қопланди, қўйлар сўйилди. Эртага тўй деган куни музболтадай кампир тўсатдан оламдан ўтди. Ёруғ дунёда икки кам саксон йил яшаб, тўрт ўғилни вояга етказибди, аммо битта келиннинг бошига оқ рўмол ёполмабди. Раҳматлининг яхши сифатларини кўпчилик айтди, лекин икки-уч қария марҳумнинг қайнонаси Бусора кампирни ҳам эслаб бош чайқашарди.

Эски гап ёдга келади: дуо олган омондир... Шуни айтса керак-да, бирни кўриб шукур қил, бирни кўриб фикр қил, деб.

**Рустамжон УММАТОВ**




Б.АКРАМОВ олган сурат.

# НАЪМАТАК

***Наъматак мевалари халқ табобатида қадим замонлардан фойдаланиб келинади.***

Унинг меваларидан тайёрланган дамламадан ўпка сили, жигар, ўт қопчасининг яллиғланиши, ичак, буйрак, қовуқ касалликларини даволашда қўлланилади. Наъматакнинг меваси асосида тайёрланган қайнатма қон тўхтатувчи, истима туширувчи омилдир. Унинг баргларидан тайёрланган қайнатма меъда оғриқларига фойдали. Халқ табобатида наъматак илдизларидан тайёрланган қайнатма қовуқ ҳамда буйракка тош келиб, оғриқ берганда ичилса, кишига анча енгиллик беради. Наъматак мевалари дамламаси тинка қуриш, камқонликда, дармонсизликда фойдалидир.

**ТАБОБАТ**

Халқ табобатида наъматакдан тайёрланган дамламадан болаларда кузатиладиган майда тошмаларни, йирингли-септик асоратларга мойиллиги бор ўткир инфекцион касаллик – қизилчани, терламани даволашда фойдаланилади. Илмий тиббиётда ишлатиш учун мевадан дамлама, экстракт ва шарбат таблеткалар, холосас каби доривор препаратлар тайёрланади. Мазкур препаратлар авитаминоз хасталигини, атеросклерозни даволашда, тавсия этилади.

Уй шароитида наъматак меваларидан қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган идишга 2 стакан сув қуйиб, 1 ош қошиқ майдаланган мева солиниб, 10 дақиқа қайнатилади, сўнгра бир сутка давомида қўйиб қўйилади. Қайнатма докадан сузилгач, унга шакар қўшилади. Қайнатмадан кунига 3 маҳал овқатдан олдин ярим стакандан ичиш тавсия этилади. Ўзбекистонда наъматакнинг "Итбурун", "Федченко", "Беггер" навлари ўстирилади.

**Х.МАҲАМОВА тайёрлади.**

# SPORT OLAMIDA

## ЖЎЖАНИ КУЗДА САНАДИЛАР

***Футбол мухлисларини ҳаяжонга солган, гоҳида қувонтириб, гоҳида ранжитган жорий йилги футбол мавсуми ҳам якунланди. Хўш, мавсум ҳақида нима дейиш мумкин?***

Аввало, шуни таъкидлаш жоизки, жамоаларнинг ўйинлари савияси, мавсумга тайёргарлиги жиҳатидан яна "Пахтакор" ва "Нефтчи" етакчи жамоалар эканликларини исботлашди. "Пахтакор"да тўплар нисбати ҳам чемпионга хос – 82-23. Аммо жамоанинг "Сурхон" ва "Қўқон-1912" жамоаларига имкониятни бой берганлигини бироз тушуниш қийин. Умуман олганда эса ўзининг ажойиб ўйинлари, чиройли комбинациялари билан мухлисларни хушнуд этган "Пахтакор"га хорижлик мутахассислар ҳам муносиб баҳо бериб улгуришди. МДҲ чемпионлари кубоги ҳамда Осиё чемпионлар лигаси баҳсларидаги муваффақиятли иштироки сабабли "Пахтакор" – Осиёнинг биринчи рақамли жамоаси, деб эътироф этилди.

Ушбу мавсумда ҳам кутилганидек, турнир шоҳсупасининг иккинчи поғонасини еттинчи марта "Нефтчи" эгаллади. Дарвоқе, "Нефтчи"нинг моҳир футболчилари Умид Исоқов ва Анвар Бердиевлар тўпурарлар баҳсида учинчи, тўртинчи ўринларни эгаллашгани таҳсинга лойиқ. Мамлакат XII миллий чемпионатининг бронза медаллари Наманганнинг "Навбаҳор" жамоасига насиб этди. Команданинг биринчи даврадаги бўш иштирокидан сўнг буни наманганлик футболчиларнинг ўзлари ҳам кутмаган бўлишса керак. Жамоа мураббийлари ўзгаргач, "Навбаҳор" иккинчи даврани деярли мағлубиятсиз ("Пахтакор" билан кечган учрашувни ҳисобга олмаганда) ўтказди.

"Насаф", "Қизилқум", "Машъал" ҳам анча сермазмун ўйин намойиш этишиб, ўз мухлисларини хурсанд қилишди, дейиш мумкин. Афсуски, "Цементчи" ва "Гулистон" олий лигани тарк этди. Мавсумга етарлича тайёргарлик кўрмаслик, селекция ишларининг муваффақиятли олиб борилмаганлиги, айниқса, "Гулистон"га панд берди. Кўплаб жамоалар учун "ноқулай" рақиб ҳисобланган "Трактор"га ҳам олий лигада "жон" сақлаб қолиш осон кечмади. Кутилмаганда Зарафшонда "Қизилқум" устидан қозонилган ғалаба "Трактор"га олий лигада қолиш имкониятини яратди.

Ҳар йилги мавсумлардан фарқли ўлароқ, бу йил тўпурарликка икки футболчи асосий даъвогарлик қилди. Охир-оқибат "Қизилқум", "Навбаҳор" футболчилари Идиатуллин ҳамда Мирхолдиршоевлар 26 тадан гол билан тўпурар номини қўлга киритишди. Келгуси йили олий лигада Тошкентнинг "Локомотив" ҳамда Жиззахнинг "Сўғдиёна" жамоалари иштирок этишади. Бу икки клуб навбатдаги биринчиликка "сюрприз", яъни кутилмаган совғалар ҳадя этишармикин?

Чемпионатнинг якуний жадвали қуйидагича кўринишга эга бўлди:

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. "Пахтакор" | 30 | 25 | 2 | 3 | 82-23 | 77 |
| 2. "Нефтчи" | 30 | 23 | 2 | 5 | 80-35 | 71 |
| 3. "Навбаҳор" | 30 | 19 | 6 | 5 | 66-28 | 63 |
| 4. "Насаф" | 30 | 19 | 3 | 8 | 61-40 | 60 |
| 5. "Қизилқум" | 30 | 17 | 4 | 9 | 59-33 | 56 |
| 6. "Машъал" | 30 | 13 | 5 | 12 | 48-40 | 44 |
| 7. "Андижон" | 30 | 11 | 6 | 13 | 38-36 | 39 |
| 8. "Самарқанд-Динамо" | 30 | 11 | 2 | 17 | 40-46 | 35 |
| 9. "Сурхон" | 30 | 10 | 4 | 16 | 32-56 | 34 |
| 10. "Дўстлик" | 30 | 10 | 3 | 17 | 40-59 | 33 |
| 11. "Қўқон-1912" | 30 | 11 | 0 | 19 | 47-70 | 33 |
| 12. "Бухоро" | 30 | 10 | 2 | 18 | 47-57 | 32 |
| 13. "Металлург" | 30 | 9 | 5 | 16 | 36-69 | 32 |
| 14. "Трактор" | 30 | 9 | 4 | 17 | 44-62 | 31 |
| 15. "Цементчи" | 30 | 8 | 7 | 15 | 39-64 | 31 |
| 16. "Гулистон" | 30 | 6 | 3 | 21 | 22-65 | 21 |

## ЖИДДИЙ СИНОВЛАР ҲАЛИ ОЛДИНДА

***Футбол бўйича Осиё чемпионатининг "А" гуруҳида ўтказилган саралаш турнирида учрашган Ўзбекистон – Тожикистон терма жамоаларининг ўйинини кузатган ишқибозлар кўнглидан "тожикларнинг ҳимоя "девори" мустаҳкаммикан?" деган ўй ўтган бўлиши табиийдир.***

Асосан номи анчагина танилиб қолган легионерларимиздан иборат мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари томонидан киритилиши лозим бўлган голни ишқибозлар оз эмас, кўп эмас 95 дақиқа кутишди. Лекин... Очиғи, терма жамоамизнинг ғалабасига ҳеч ким шубҳа қилмаган эди. Чунки хориж клубларида ишонарли ўйинлари билан кўпчиликни ҳайратга солаётган Шацких, Маминов, Пашинин, Гейнрих сингари "юлдуз"ларнинг "тоши" олдида тожикистонликлар нима бўпти, деган ҳардамхаёл ҳам йўқ эмасди.

Ушбу беллашувнинг биринчи даврасида Равшан Ҳайдаров шогирдларини 4-4-2 схемаси бўйича майдонга туширди. Бундан кўриниб турибдики, вакилларимиз асосан ҳужумкор ўйин намойиш этишлари лозим эди. Тўғри, майдонда тўп билан асосан ҳамюртларимиз ҳаракат қилишди. Бироқ... барча комбинациялар тахминан бир тусда амалга оширилди. Яъни, икки қанотдан кам фойдаланилди. Тўп нуқул марказда 3-4 ҳимоячи қуршовида бўлган Шацкихга ташланаверди. Энг зўр таянч ярим ҳимоячиларидан бири деб тан олинган Владимир Маминовни шу куни таниб бўлмай қолди. Жепаров кўп ҳолларда тўпни йўқотиб, бошланаётган ҳужумларни йўққа чиқарди. Бу мухлисларни анча ранжитди. Шишелов ҳам осмону фалакка тўп тепиш билан овора бўлди. Хвостунов оддий бурчак тўпини етказиб беролмади. Темур Копадзе эса "чайнаб берилган нонни ютолмай", тўпни дарвозага эмас, осмонга йўналтирди.

Аксинча, қўшниларимиз уюштирган қарши ҳужумлар ниҳоятда хавфли бўлди. Тожикистон терма жамоаси вакили Сухроб Ҳамидовнинг дарвозабонимиз билан яккама-якка чиқишида муқаррар голдан худо бир асради. Нестеров олқиш олди. Ҳимоячиларимиз ҳар ҳолда анча уюшқоқ ўйин кўрсатишди. Иккинчи бўлим охирида тожикистонликлар ҳимоячилари эса майдонда Гейнрих ҳаракат қила бошлагач, бироз саросимага тушишди. Аммо ҳужумлардаги ноаниқлик барибир ён қўшниларнинг дарвозаси дахлсизлигини сақлаб қолди. Яна ўша гап. Майдонда Миржалол етишмади. Хулас, гуруҳда Ўзбекистон терма жамоаси пешқадам бўлиб олди-ю, юракда аллақандай хавотир ҳам қолди. Чунки Таиландда кечадиган учрашувларда осон бўлмаса керак. Осиё чемпионатининг финал босқичида қатнашиш учун тожикистонликлардан ташқари Гонконг терма жамоаси ва ҳатто, Таиландда ҳам имконият йўқ эмас.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

***ТОШКЕНТ. (ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА). Республика Киночилар уйида Марказий Осиё давлатлари ҳужжатли фильм ижодкорларининг минтақавий семинари иш бошлади.***

## ҚАЙТА ТИКЛАНГАН СУҲБАТЛАР

Тадбир «Ўзбеккино» Давлат акционерлик компаниясининг Швейцария тараққиёт бюроси ҳамда Ўзбекистон Очиқ жамият кўмак институти билан ҳамкорликдаги «Қайта тикланган суҳбатлар» лойиҳаси асосида ташкил этилди.

Ҳужжатли фильмлар кино санъатининг таркибий қисми саналади. Сўнгги йилларда Марказий Осиё Республикалари, жумладан, юртимизда ҳам мавзу жиҳатидан ранг-баранг ҳужжатли кино асарлари яратилаётир. 15 ноябргача давом этадиган мазкур тадбирда Марказий Осиё давлатлари кино усталари томонидан сўнгги ўн йил мобайнида яратилган ҳужжатли фильмлар билан танишиш баробарида соҳага оид ютуқ ва камчиликлар, истиқбол режалар ҳақида ўзаро фикр алмашилади.

Ҳужжатли фильмларнинг ўзига хос фестивали бўлган ушбу тадбирда жами элликка яқин фильм намойиш этилиши кўзда тутилган. Ўзбекистондан Баҳодир Музаффаровнинг «Туш», Даврон Салимовнинг «Хор», Тўраниёз Қалимбетовнинг «Отбеги», Шуҳрат Маҳмудовнинг «Чарх» каби фильмлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилади.

# ҲАРОРАТ ХАВФ СОЛМОҚДА



***Сўнгги йилларда сайёрамиз иқлимининг ўзгариши, экологиянинг бузилиши глобал муаммолардан бирига айланган.***

Фан-техника ривожланган сайин инсоннинг бутун борлиққа таъсири, агар жоиз бўлса, салбий таъсири ортиб бормоқда. Ўрмонларнинг кесилиши, турли газлар таъсирида азон қатламининг емирилиши, экин майдонларининг яроқсиз ҳолга келиб қолиши шулар жумласидандир. Яна қўшимча равишда иқлимнинг ўзгариши ва ер ҳароратининг ортиб кетишини ҳам айтишимиз мумкин. Хабарингиз борки, жорий йилнинг август ойида Европада кузатилган иссиқ об-ҳаво ўтган йилга қараганда бирмунча юқори бўлди ва оқибатда 20 мингдан ортиқ одам ҳавонинг исиб кетиши қурбони бўлди. Энг юқори кўрсаткич Францияда 38-40 даражани кўрсатиб, 15 мингдан ортиқ одамни ҳаётдан олиб кетди. Хўш, ер иқлимининг бу даражада ўзгариши, ҳаво ҳароратининг ортишига сабаб нимада? Бу инсоннинг табиатга таъсири оқибатими ёки ерга ташқи таъсир кучи мавжудми? Бу каби саволларга жавоб топиш жаҳон оммасининг олдида турган муаммолардан бири.

Атроф-муҳитни ўрганиш бўйича Буюк Британиянинг Ист Англия университети профессори Филипп Жонс ва Виржиния университети олими профессор Мишел Мэн ер ҳароратининг ортиши бўйича изланишлар олиб бориб, бу ҳақда маълумотларни "Географик қидирувлар" номли журналда чоп этишган. У ерда айтилишича, улар тарихнинг турли босқичларида ердаги ҳароратни ўрганиш мақсадида Хитой, Нидерландия ва Антарктидада изланишлар олиб боришган. Уларнинг фикрича, ернинг 2000 йил ичидаги энг юқори ҳарорати сўнгги 20 йилга тўғри келади. Шу вақт ичида ер ҳарорати камида 0,2-1,8$^0$ С ошган. Бу эса совуқ жисм бўлган ер учун катта кўрсаткич.

Ҳозирда бунга сабаб қилиб икки омил кўрсатилмоқда. Шулардан биринчиси инсон томонидан кўрсатилаётган таъсир, яъни турли заҳарли газлар, завод-фабрикалардан чиқаётган иссиқлик, ер ости бойликларининг ўринсиз қазиб олиниши ва ҳатто автомобиллар нинг двигателларидан чиқаётган иссиқлик ва тутунлар натижасида ер усти ҳарорати 3$^0$ С-4,8$^0$ С ошаркан. Атмосфера ҳароратининг ортишига ички таъсирни камайтириш мақсадида саноати ривожланган давлатлар ўртасида "Киото" шартномаси имзоланган эди. Унга кўра давлатлар ҳудудида атмосферага чиқаётган заҳарли газлар миқдорини камайтиришга келишилган эди. Лекин ҳозирча бу битим кутилган натижа бераётгани йўқ.

**ИҚЛИМ**

Иккинчи омил деб баъзи олимлар бунга асосий сабабни қуёш сиртида кейинги вақтларда содир бўлаётган реакциялар билан боғлашмоқда. Халқаро Қуёш институти олимларининг фикрича, қуёш юзасидаги газлар реакцияси тезлашган ва натижада кучли портлаш вужудга келиб катта миқдорда иссиқлик ажралади ва қуёш ҳар секундда ўртача 100 тонна вазнини йўқотади.

Қандай таъсир бўлишидан қатъий назар ҳароратнинг ортиши инсониятга катта зарар етказмоқда. Ҳар йили ҳаво ҳароратининг ортиши ва намлик миқдорининг камайиб кетиши натижасида 400 минг гектардаги ўрмонлар ёниб кулга айланади. Яна юз минглаб гектар экин майдони чўл зонасига кирмоқда. Антарктида, Ҳимолай тоғларидаги "доимий" деб келинаётган музликлар эриши натижасида дунё океанининг умумий сатҳи 10 смга кўтарилмоқда. Бу эса инсониятнинг асосий сув манбаи бўлган, жаҳон сув заҳирасининг атиги 2 % ташкил этувчи чучук сув манбаларининг камайиб кетишига олиб келмоқда. Агар аҳвол шу тарзда давом этаверса 2025 йилга бориб дунёнинг 35 фоиз давлатлари чучук сув танқислигидан азият чекишади. Ҳозирнинг ўзида баъзи Европа давлатлари чучук сувга бўлган талабларини шимолий қутбдаги муз тоғлар – айсберглар ҳисобига қондиради.

**Улуғбек СУЯРОВ тайёрлади.**

## ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

***«Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси АҚШнинг «Енграг» халқаро жамғармаси билан ҳамкорликда турли хайрия тадбирлари ўтказиб келмоқда.***

Тадбирда 18 нафар ногиронга «Енграг» халқаро жамғармаси томонидан ажратилган аравачалар топширилди. Шунингдек, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган ҳарбий хизматчиларнинг оилаларига пойтахтимиздаги «Қалб кучи» хайрия экологик клуби ҳамда «Замондош» маданият уйи томонидан ажратилган кийим-кечаклар топширилди.

**(ЎзА)**

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги "Ўзсувтаъмирфойдаланиш" республика бирлашмаси жамоаси Қарши магистрал каналидан фойдаланиш бошқармасининг кичик насос станцияларини ишлатиш бошқармаси бошлиғи **Собиржон БОЗОРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир ЎТКИР РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ.

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона – 136-58-83 (факс):133-09-93. (факс):133-40-87. бош муҳаррир ўринбосарлари – 133-16-27, 133-44-43, котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар: 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17; Андижон – 8-374-2-25-32-23; Бухоро – 8-365-22-648-22; Жиззах – 8-372-22-648-72; Навоий – 8-436-22-588-56; Наманган - 8 - 369-43-311-81; Фарғона – 8-873-61-221-97; Самарқанд – 8-366-233-00-52; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-225-41-73; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-517-65.

Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи: М.АКРАМОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г- 0021, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди:

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

23456